

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК - ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 331 (33)**

Юлдошев Нуриддин Тошмурзаевич

**Саноат корхоналарида харажатлар ҳисоби ва таннархни
калькуляция қилишни такомиллаштириш йўллари
(“Қашқадарё пармалаш ишлари” ОАЖ мисолида)**

Мутахассислик: 5А340901 – «Бухгалтерия ҳисоби» (тармоқлар бўйича)

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Илмий раҳбар: _____ доц. Д. Эгамова

**Магистратура бўлими
бошлиғи _____ доц. Б.М. Холбаев**

Қарши-2009 йил

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит”
кафедраси мудири _____ доц. О.Н.Хушмурадов
«_____» _____ 200 йил

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИ ЁЗИШ БЎЙИЧА

РЕЖА - ТОПШИРИҚЛАР

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти Магистратура Кенгашининг 200 йил
“_____” _____ сонли қарори билан тасдиқланган _____
(кафедра номи)

_____кафедраси бўйича

мавзусидаги магистрлик диссертацияси
Илмий раҳбар _____ бошчилигида
(илмий раҳбарнинг исми-фамилияси, лавозими, илмий даражаси, илмий унвони)

_____томонидан
(магистрантнинг исми-фамилияси)
туғалланган ҳолда 1) «_____» _____ 200 йилда ва
2) «_____» _____ 200 йилда _____кафедрасига дастлабки ҳимоя учун тақдим этилсин
Тадқиқот ишида _____

_____фойдаланилади
(амалий, статистик, баланс, бошқармаларнинг бир неча йиллик ҳисобот нашрлари, тўпламлари,
ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар, йўриқнома ва ҳ.к.)
Ишда _____(жадваллар, чизмалар)

_____берилиши кўзда тутилади

Ишда қуйидаги масалалар баён этилади:

1-гуруҳ _____

2-гуруҳ _____

3-гуруҳ _____

Илмий раҳбар _____

Тингловчи 200 йил «__» _____ да топшириқларни қабул қилди.

Магистрлик диссертациясининг дастлабки нусхасини тугаллаш жадвали

I боб: _____

(диссертациянинг дастлабки иш режаси бўйича I боб номи ва уни тугаллаш муддати)

II боб: _____

(диссертациянинг дастлабки иш режаси бўйича II боб номи ва уни тугаллаш муддати)

III боб: _____

(диссертациянинг дастлабки иш режаси бўйича III боб номи ва уни тугаллаш муддати)

Диссертацияни _____

(кафедра номи)

кафедрасида «__» _____ да ўтган дастлабки ҳимоясида илмий раҳбар
томонидан берилган топшириқлар: _____

Топшириқлар қабул қилинди; _____

(тингловчининг имзоси, сана)

Мундарижа:

Кириш	4
I боб. Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг назарий асослари	
1.1. Ишлаб чиқариш харажатларининг иқтисодий моҳияти, мазмуни ва харажатлар классификацияси ҳамда назарий асослари.....	12
1.2. Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш усуллари.....	20
I боб бўйича хулосалар.....	37
II-боб. Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнида харажатлар ҳисобини ташкил қилиш ва маҳсулот таннархини аниқлашнинг амалий жиҳатлари	
2.1. Саноат корхоналарида харажатлар ҳисобини ташкил қилишнинг замонавий шакллари ҳамда маҳсулот таннархини аниқлашнинг амалий жиҳатлари.....	40
2.2. “Қашқадарё пармалаш ишлари” ОАЖда ишлаб чиқариш таннархининг таҳлили ва уни амалга оширишда ахборот манбалари.....	55
II боб бўйича хулосалар.....	80
III боб. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида саноат корхоналарида харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш ва уларнинг таҳлилни такомиллаштириш	
3.1. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида саноат корхоналарида харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишни такомиллаштириш.....	82
3.2. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида таннархни пасайтиришнинг аҳамияти ва таҳлил усуллари такомиллаштириш.....	85
III боб бўйича хулосалар.....	89
Хулоса ва таклифлар	91
Фойдаланилган адабиётлар руйхати	95
Иловалар	

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги. Ҳозирги даврда дунё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ўзининг маъно-мазмуни жиҳатидан олдинги босқичлардан кескин фарқ қилади. Бунда энг асосий ва муҳим жиҳат – миллий иқтисодиётларнинг тобора интеграциялашуви ва глобаллашувининг кучайиб боришидир. Айни пайтда бу жараёнлар халқаро майдондаги рақобатнинг ҳам кескинлашувига, ҳар бир мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашининг кучайишига ҳам таъсир кўрсатади.

Шунга кўра, биз мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий ва истиқболдаги чора-тадбирларини белгилашда жаҳон молиявий инқирози оқибатларининг таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олишимиз, иқтисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуқтаи-назаридан шакллантиришимиз ва уларни изчил амалга оширишимиз тақозо этилади. Бу борадаги чора-тадбирлар Президентимиз И.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарларида кенг ва батафсил баён қилиб берилган. Президентимиз ўз асарларида глобал молиявий инқироз ҳолатини ва унинг юз бериши мумкин бўлган оқибатларига доир материалларни ўрганиш ва умумлаштириш натижасида келтириб чиқарилган тўртинчи хулосани қуйидагича баён этдилар: «Тўртинчидан, жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш, унинг оқибатларини енгиллаштириш кўп жиҳатдан ҳар қайси давлат доирасида ва умуман, дунё ҳамжамияти миқёсида қабул қилинаётган чора тадбирларнинг қанчалик самарадорлигига, уларнинг бир-бири билан уйғунлигига боғлиқ»¹.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг барча жараёнларида иқтисодий ахборотларга нисбатан ҳаққонийлик, холислик ва аниқлик каби талаблар қўйилади.

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 6-б.

Ҳозирги пайтда олинган иқтисодий ахборотлар ички ва ташқи фойдаланувчилар талабини тўлиқ қондириши ҳамда энг кам меҳнат ва вақт сарф қилинган ҳолда шакллантирилиши лозим.

Маҳсулот таннархи корхона ёки ишлаб чиқариш бирлашмаси молия-хўжалик фаолиятининг ҳамма томонларини акс эттирувчи кўрсаткичдир.

Шунинг учун ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш бухгалтерия ҳисобининг энг асосий соҳаларидан бири ҳисобланади.

Режалаштиришнинг ҳозирги тизимида бирлашма ва корхона фаолиятини баҳолашда фойда иқтисодий кўрсаткич асосий кўрсаткич қилиб олинган. Аммо бу маҳсулот таннархи кўрсаткичининг аҳамиятини камайтиради, деган гап эмас. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш-молия режасини тузишда маҳсулот таннархи иқтисодий кўрсаткичига алоҳида аҳамият берилади.

Вазирлик ва бошқармаларга уларнинг қарамоғидаги корхона ва бирлашмалар учун рентабеллик кўрсаткичи ўрнига маҳсулот таннархини камайтириш бўйича режа топшириғини тасдиқлаш ҳуқуқи берилган. Бу эса, ўз натижасида, маҳсулот таннархи кўрсаткичининг муҳимлигини яна бир бор тасдиқлайди. Маҳсулот таннархини камайтиришдек муҳим вазифани ҳал қилишда ишлаб чиқариш ресурсларини тўғри сарфлаш, белгиланган сарфлаш нормативларига риоя қилиш, иқтисод қилиш тартибини амалда кенг қўллаш лозим. Шунинг учун ҳозирги шароитда ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишни тўғри ташкил қилишга катта аҳамият берилмокда. Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш бир-бири билан ўзаро боғланган. Бу боғлиқлик қуйидагиларда ифодаланади:

- ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ҳамда маҳсулот таннархини калькуляция қилиш олдида бир хил вазифа қўйилади. Масалан, маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларни ўз вақтида ва тўлиқ

ҳисобда акс эттириш, ишлаб чиқаришда материал ҳамда бошқа моддий товар бойликларнинг сарфланиши устидан назорат олиб бориш ва ҳоказо.

- Режалаштириш, харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишда моддаларнинг бир хил гуруҳланишидан фойдаланилади.

-Харажатларни ҳисобга олиш маълумотлари асосида калькуляция тузилади ва таннарх аниқланади.

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва таннархини калькуляция қилишда харажатлар ҳисоби ва калькуляция қилишнинг бир неча хил усуллари қўлланилади, масалан, оддий, норматив, буюртмали, бўлимли усуллар. Юқорида келтирилган ўхшашликлар харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишни бир-бири билан ўзаро боғланган ҳолда ёритишни тақозо қилади.

Ишлаб чиқариш ҳисоби ва маҳсулот таннархини тўғри калькуляция қилишни ташкил қилмасдан туриб, саноат корхоналари ишлаб чиқариш-ҳўжалик фаолиятини муваффақиятли бошқариш мумкин эмас. Ҳар бир корхона ёки бирлашмада ишлаб чиқариш ҳисоби ва таннархни тўғри ташкил қилишнинг имкониятлари қуйидагилардан иборат: аввалдан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган технология режасининг мавжуд бўлиши, замонавий ишлаб чиқариш талабларига жавоб бера оладиган ишлаб чиқариш харажатлари меъёрининг мавжуд бўлиши, омбор ҳўжалигининг тўғри ташкил қилиниши ва ишлаб чиқариш зарур ўлчов асбоблари ва мосламалар билан таъминланган бўлиши, ишлаб чиқариш харажатларининг аналитик счёти, калькуляция объектлари ҳамда калькуляция бирлигини аниқлаш, калькуляция моддалари, комплекс харажатлар моддалари номенклатурасини ишлаб чиқиш, комплекс харажат моддаларини калькуляция объектлари ўртасида тақсимлаш усулини танлаш муҳим ҳисобланади. Аммо, саноат корхоналарида харажатларни ҳисобга олиш ва улар аудитини ўтказишнинг амалдаги тизими сарфланган харажатларни тўлиқ ва ишончли акс эттириш, турли мақсадларда жалб

этилган маблағларни аниқ мақсадга йўналтириш, ишлаб чиқаришни ташкил этишда маблағлар тақчиллигини бартараф этиш ҳамда маҳсулот таннархини аниқ ҳисоб–китобини юритишни таъминлаш имконини бермайди. Шунингдек, республикамизда бу масалалар бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари даражасида илмий жиҳатдан тўлиқ саноат корхоналарида харажатлар ҳисоби ва таннархни калькуляция қилиш-ни такомиллаштириш йўллари (хусусан пармалаш ишлари корхоналари мисолида) ҳал этилмаган. Бундан ташқари, иқтисодчи олимлар томонидан пармалаш ишлари корхоналари мисолида бажарилган харажатлар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш бўйича ҳозиргача бажарилган тадқиқотлар асосан режали иқтисодиёт тамойилларига мувофиқлаштирилган бўлиб, бу борадаги муаммоларнинг замонавий ечимларини батафсил қамраб олмайди. Шу жиҳатдан танланган мавзу долзарб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади саноат корхоналарида харажатлар ҳисоби ва таннархни калькуляция қилишни назарий, услубий ҳамда ташкилий асосларининг ҳозирги ҳолатини баҳолаш ва уларни такомиллаштириш йўналишларини тадқиқ қилиш асосида илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Диссертацияда қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланди :

-пармалаш ишлари” ОАЖнинг ўзига хос хусуиятлари ва уларнинг асосий фаолият харажатлари ҳисобини ташкил қилишга таъсирини очиб бериш;

харажатларни тақсимлаш ва бажарилган хизматлар таннархини калькуляция қилиш амалиётини тадқиқ қилиш;

-асосий фаолият харажатлари ҳисобини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини белгилаш;

-асосий, ёрдамчи ва умумишлаб чиқариш харажатлари таркиби ва уларни ҳисобга олиш усулларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

- ишлаб чиқаришдаги браклар ҳисобини такомиллаштириш бўйича амалий таклифларни тавсия қилиш;

- асосий фаолият харажатларини ички бўлинмалар бўйича ҳисобга олиш усулларини тавсия қилиш;

- асосий фаолият харажатларини узлуксиз назоратини таъминлай оладиган ҳисоб ва ҳисобот тизимини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, диссертацияда саноат корхоналарида харажатлар ҳисоби ва таннархни калькуляция қилишни такомиллаштиришга қаратилган илмий-амалий тавсия ва таклифлардан республикамізда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларини такомиллаштириш ва замонавийлаштиришда кенг фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, диссертациянинг кўпгина назарий қоидаларини олий ўқув юртлари ва коллежларда Бошқарув ҳисоби ҳисоби фанларини ўқитиш жараёнига тадбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти унинг асосий натижаларини саноат корхоналарида харажатлар ҳисоби ва таннархни калькуляция қилишни такомиллаштириш бўйича услубий тавсияларни ишлаб чиқишда қўллаш мумкинлиги билан белгиланади. Бундан ташқари, тадқиқот натижалари корхоналарда харажатларни ҳисобга олиш, таннархни калькуляция қилишда замонавий усулларни қўллаш ва харажатлар тўғрисидаги ахборотларни тўлиқ акс эттиришни таъминлайди.

Тадқиқотнинг илмий янгиликлари. Илмий янгиликларни ташкил этувчи энг муҳим хулоса ва таклифлар қуйидагилардан иборат:

- Қашқадарё пармалаш ишлари” ОАЖни асосий, ёрдамчи, таъмирлаш хўжаликлари ҳамда умумишлаб чиариш харажатлари таркибида ҳисобга олишни белгилаш асосида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш бўйича тавсиялар асосланди;

- пармалаш ишларихаражатлари ҳисобини такомиллаштириш орқали тақсимланадиган харажатлари салмоғини қисқартириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди;

-харажатлар сарфи устидан узлуксиз ва жорий назоратни таъминлашга масъулиятли шахсларни белгилаш орқали харажатлар ҳисобини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилди;

Тадқиқот ишида рақобатли бозор талабларига мос равишда пармалаш ишлари корхоналарида харажатлар ҳисобини ташкил қилиш ва ундаги муаммолари ҳал этиш мақсадида қуйидагиларни ҳал этиш таклиф этилади:

- асосий фаолият харажатларини табақалаштириш;

-ҳар бир фаолият харажатарини ҳисобини алоҳида ташкил этиш.

Харажатларни ҳисобини тўғри ташкил этиш мақсадида 2000-“Асосий ишлаб чиқариш”, 2300-“Ёрдамчи ишлаб чиқариш”, 2500-“Умумишлаб чиқариш харажатлари” счётлари таркибида аниқ иккиламчи счётларни очиб улар ҳисобини фақат миқдорий жиҳатдан эмас, балки сифат жиҳатдан ҳисобга олиб боришни ташкил этиш лозимлиги илмий жиҳатдан асосланди;

-Қашқадарё пармалаш ишлари” ОАЖ да харажатлар ҳисоби ва таннарх-ни калькуляция қилишни такомиллаштириш учун ташқилий, услубий ва техник тадбирларни амалга ошириш бўйича харажатларни ҳам алоҳида ҳисоб китобини ташкил этиш мақсадга мувофиқлиги кўрсатиб ўтилди;

-харажатларни ҳисобини назоратини тўғри ташкил этиш мақсадида харажатларни моддалари бўйича назоратини, таҳлилини тежа ва ундан четланишларни назоратини комплекс ташкил этиш мақсадга мувофиқлиги асосланди.

Тадқиқот предмети бўлиб саноат корхоналарида харажатлар ҳисоби ва таннархни калькуляция қилишни такомиллаштириш масалалари ҳисобланади.

Илмий изланишлар жараёнида саноат корхоналарида харажатлар ҳисоби ва таннархни калькуляция қилишнинг ҳозирги ҳолатини мукамал таҳлил

этиш мақсадида **тадқиқот объекти** “Қашқадарё пармалаш ишлари” ОАЖ нинг 2006-2008 йиллардаги йиллик молиявий ҳисоботлари маълумотлари асос қилиб олинди.

Илмий ишнинг таркибий тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, мазмунан узвий боғланган учта боб, хулосалар, ---та жадвал, ---та расм, адабиётлар рўйхати ҳамда --та иловаларни мужассамлаштирган ---- бетлик матнни ташкил этади.

I БОБ. САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИ ВА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИ КАЛЬКУЛЯЦИЯ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.

1.1. Ишлаб чиқариш харажатларининг иқтисодий моҳияти, мазмуни ва харажатлар классификацияси ҳамда назарий асослари.

Бозор муносабатларини ривожлантириш шароитида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг барча жараёнларида иқтисодий ахборотларга нисбатан ҳаққонийлик, холислик ва аниқлик каби талаблар қўйилади. Ҳозирги пайтда олинган иқтисодий ахборотлар ички ва ташқи фойдаланувчилар талабини толиқ қондириши ҳамда энг кам меҳнат ва вақт сарф қилинган ҳолда шакллантирилиши лозим.

Хўжалик юритувчи субъект *ишлаб чиқариш харажатлари* деб, маҳсулотни ишлаб чиқариш боғлиқ харажатларга айтилади. Уларга хом ашё, материал, ёқилғи, амортизация ажратмаси, ишчи, хизматчилар иш ҳақи ва маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бошқа харажатлар киради. Агар бир хил маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларнинг жами суммасини ишлаб чиқарилган маҳсулот сонига тақсимланиб, ишлаб чиқарилган бир бирлик маҳсулотнинг таннархи топилади.

Таннарх кўрсаткичи корхона фаолиятида муҳим сифат кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. У қанча паст бўлса, ишлаб чиқариш рентабеллиги шунча юқори бўлади. Юқорида ишлаб чиқариш харажатларига берилган тушунчадан маълумки, таннархга корхонанинг ҳамма харажатлари қўшилмайди, баъзи харажатлари бошқа манбалар ҳисобидан қопланади. Масалан, фойда ҳисобидан давр харажатлари қопланади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари харажат калькуляция моддалари бўйича ишлаб чиқариш турлари (асосий, қўшимча), харажатнинг вужудга келиш жойлари, маҳсулот турлари бўйича бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади. Харажатларни ана шундай умумлаштириш ва гуруҳлаш учун бир неча синтетик бухгалтерия счётлари қўлланилади. Масалан, ишлаб

чиқариш турлари бўйича харажатларни акс эттириш учун “Асосий ишлаб чиқариш” ва “Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар” счётларидан фойдаланилади.

Харажатларнинг аналитик ҳисоби белгиланган харажат моддалари бўйича юритилади. Масалан, “Асосий ишлаб чиқариш” счётида тўғридан-тўғри асосий ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган асосий харажатлар, сарфланган хом ашё, материал, ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчиларнинг асосий иш ҳақи ва бошқалар ҳисобга олинади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган харажатлар ҳисобот оyi давомида “Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар”, “Умумишлаб чиқариш харажатлари” каби счётларда ҳисобга олинади. Ҳисобот оyi охирида ушбу счётларда ҳисобга олинган харажатлар маҳсулот турлари ўртасида тақсимланади.

Ҳар қандай жамият бўлишидан ва қандай ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъект бўлишидан қатъий назар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун харажатлар қилиниши зарурий шарт ҳисобланади. Уларни тўғри ва ўз вақтида ҳисобини юритиш бухгалтерия ҳисоби зиммасига юкланади.

Харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляциясининг назарий асосларини яратиш бўйича хорижлик ва республикамиз иқтисодчи олимлари тадқиқотлар олиб боришган. Улар жумласига иқтисодчи олимлардан А.Ф.Аксененко, А.Д.Шеремет, В.Э.Керимов, Р.В.Виль, Т.Б.Крылова, В.И.Ткач, В.Ф.Палий, Д.Ў.Ўроқов, К.Друри, М.А.Вахрушина, Б.Нидлз, Х.Андерсон, Д.Колдуэлл, О.Е.Николаева, Т. В.Шишкова, С.А.Николаева, Н.П.Кондраков, Н.Г.Чумаченко, Р.Энтони, Дж. Рис, С.Сенечева Т.П.Карпова, Д.А.Фролова, Ю.М.Иткин, Ч.Гаррисон, Ч.Т.Хорнгрен, Я.В.Соколовларни киритиш мумкин.

Мамлакатимиз олимларидан Э.А.Акрамов, А.К.Ибрагимов, А.С.Сотиволдиев, К. Б. Ўрозов, М.Қ. Пардаев, М.Умарова, Н.С.Санаев, С.В.Воҳидов, О.Бобожонов, Р.Р.Ражабов, Н.Ю. Жўраев, Р.Дўстмурадов, Ҳ.Н.Мусаев С. Б.

Қодирхоновларнинг асарларида харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляциясининг назарий ва услубий асосларини ривожлантириш муаммолари ўрганилган.

Ўзбекистонда харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляциясини ривожлантиришга ҳисса қўшган олимлардан С.Ш.Юлдошев, А.Х Пардаев, Б.А.Хасанов, А.М Жуманов, А.А.Каримов, А.Х Раметов, О. Бобожоновлар яратган дарслик, монография, ва илмий мақолалар харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляциясининг илмий асосларини яратишга асос бўлди.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳисоб тизимидаги ислохотлар натижасида халқаро стандартлар талабларидан келиб чиқиб, ҳисоб тизими икки қисмга: Молиявий ҳисоб ва бошқарув ҳисобига бўлинишига олиб келди. Ҳисоб тизимида харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш вазифасини бошқарув ҳисоби бажаради.

Бошқарув ҳисобининг бухгалтерия ҳисоби таркибида мустақил фан сифатида тан олиниши 1972 йилда содир бўлди. Бу пайтда бухгалтерларнинг Америка ассоциацияси томонидан бошқарув ҳисоби бўйича битирувчиларга бухгалтер-таҳлилчи малакасини берадиган дипломли дастури ишлаб чиқилган бўдиб, бошқарув ҳисоби фани олий ўқув юртларининг ўқув режасига киритилган эди.

Бошқарув ҳисобинининг пайдо бўлишини Ж.Ришар тижорат сири оқибати деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, бошқарув ҳисоби бухгалтерия ҳисобининг динамик концепцияси тури, холис ва тарихий жиҳатдан у тижорат сири сифатида капиталистик оламда пайдо бўлган.

Фикримизча харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархи калькуляциясини тадқиқ қилишни хориж иқтисодий адабиётларида бошқарув ҳисобига берилган таърифларни ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, Дж.Шим ва Дж.Сигал уни корхона томонидан “ режалаштириш, назорат ва

қарорлар қабул қилиш функцияларини амалга ошириш учун мўлжалланган ҳисоб услуби” сифатида таърифлайдилар.

Р.Энтони, Дж. Рисларнинг назарида эса, “бошқарув ҳисоби-бу корхона доирасидаги жараён бу корхона доирасидаги жараён бўлиб, у бошқарув аппаратини режалаштириш, корхона фаолияти устидан назорат ўрнатиш ва бошқариш учун фойдаланиладиган ахборотлар билан таъминлайди. Мазкур жараён бошқарув аппаратини ўзининг функцияларини бажариши учун аниқлаш, ўлчаш, тўплаш, таҳлил қилиш, тайёрлаш ва қабул қилишни ўз ичига олади” .

Ч.Т.Хорнгрен ва Дж. Фостерлар ҳам бу нуқтаи-назарни қўллаб-қувватлашади. Уларнинг таърифича, “Бошқарув ҳисоби-ўлчаш, тўплаш, тизимлаштириш, баланслаштириш, таҳлил қилиш ва бошқариш учун зарур бўлган ахборотларни узатишдир .

Н.Ю.Жўраевнинг ёзишича: “Хўжалик субъектлари фаолиятини таҳлил қилиш бошқарув тизимида фойдаланиладиган маълумотларнинг 70 фоизи бух-галтерия ҳисобининг ҳиссасига тўғри келади”.

А.А.Каримовнинг таъкидлашича, “бошқарув ҳисоби ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва таннархни калькуляция қилиш билан бирга, у мавжуд ҳолатни таҳлил этиш, қарор қабул қилиш, компьютерлан ва технологик дастурлардан фойдаланиш, ресурслардан фойдаланиш ва таннархнинг шаклланишини бошқариш, харажатларнинг меъёрдан четга чиқишини таҳлил этиш ва бошқаларни қамраб олади” .

В.Ф.Палий ва Р.В.Вильларнинг фикрича, “Бошқарув ҳисобининг моҳияти, ишбилармонлик фаолиятини бошқариш жараёнида менежерларга асқотадиган ёки зарур бўлган ахборотни тақдим этишдан иборат”.

ТП.Карпова “бозор шароитида бошқарув ҳисобини моҳиятини харажатлар ва даромадлар, меъёрлаштириш,режалаштириш, назорат қилишнинг яхлит ҳолга келтирилган тизими” сифатида таърифлайдилар, “....у тезкор

бошқарув қарорлари ва корхонанинг келажакдаги тараққиёт муаммоларини мувофиқлаштириш учун ахборотларни тизимлаштиради” .

О.Ў.Бобожонов ва К.Жуманиёзовларнинг фикрича “Бошқарув ҳисоби ахборот турларидан биридир. У субъект доирасидаги жараён ҳисобланиб, субъектнинг ходимлари томонидан режалаштириш, ўзини бошқариш ва субъектнинг фаолиятини назорат қилиш учун фойдаланиладиган ахборот билан таъминлайди”.

М.А.Вахрушина ёзадики, бошқарув ҳисоби бир вақтда тадқиқотлар тизими ва соҳасини ўзида намоён этади. У корхонани бошқариш тизимининг муҳим элементи, ҳисоб жарёни ва бошқаруви ўртасида боғловчи халқа бўлиб ҳисобланади.

А.Х.Раметов бошқарув ҳисобини учта модел асосида қуришни таклиф этади:

Бошқарув ва молиявий ҳисоб параллел равишда: молиявий бухгалтерия харажатлар элементлари бўйича, бошқарув ҳисоби эса калькуляция моддалари бўйича ташкил этилади. Шунингдек, халқаро стандартларда ўрнатилган тартибда харажат меъёрлари ва улардан четланишлар бўйича ҳисоб юритилади.

Иккинчи моделда бошқарув бухгалтерияси молиявий ҳисоб билан боғлиқ ҳолатда ташкил этилади, бироқ у мустақил ҳисобланади. Бу моделда махсус счёт мавжуд бўлиб, у молиявий ва бошқарув ҳисобини бир-бири билан боғлайди, аммо бу счёт бошқарув ҳисобига тааллуқли бўлади.

Учинчи моделда бошқарув бухгалтериясида алоҳида бошқарув ҳисоби юритилмасдан, ишлаб чиқариш харажатлари умумий молиявий ҳисоб таркибида олиб борилади. Анча меҳнатталаб ҳисобланган харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш тизими учун махсус счётлар ажаратилган бўлиб, улар счётларни интеграция қилишга асосланган.

А.Д.Шереметнинг таъкидлашича, «Бошқарув ҳисоби хусусиятларини ўрганиш унинг қуйидаги маъсадларга хизмат қилиши ҳақида хулосалар чиқариш имконини беради:

-ишлаб чиқаришни бошқариш ва келажакда қарорлар қабул қилиш учун маъмуриятга зарурий ахборотни тақдим этиш;

-маҳсулот (ишлар ва хизматлар)нинг ва белгиланган меъёрлар, стандартлар, сметалардан четланишларини ҳисобга олиш ва ҳақиқий таннархни ҳисоблаш;

-сотилган маҳсулотлар ёки уларнинг гуруҳлари, янги технологик қарорлар, масъулият марказлари ва бошқа позициялар бўйича молиявий натижаларни аниқлаш” .

А.Яругова бухгалтерия ҳисобини бошқарув куроли сифатида қараб чиқишни таклиф қилади. Унинг фикрича, бухгалтерия ҳисоби, режалаштириш ва статистика биргаликда бошқарув ҳисобини ташкил этувчи ягона бир бутунлик деб қаралади .

Д.А.Фролова “...бошқарув ҳисоби бухгалтерия ҳисобидан кенгрок”-деган фикрни илгари суради. Унинг фикрича “ ...бухгалтерия ҳисоби содир бўлган хўжалик муомалаларини у содир бўлгандан кейин қайд этиш билан шуғулланса, бошқарув ҳисоби уни аввалдан кузатиш, баҳолаш, тахминлаш, режалаштириш каби аввалдан бажариладиган функцияларга ҳам эгадир .

Ю.М.Иткиннинг таъкидлашича, ички (бошқарув) ҳисоб билан ахборотдан асосан ташқи фойдаланувчилар учун мўлжалланган молиявий ҳисоб ўртасида функционал чегара йўқ .

Б.Нидлз, Х. Андерсон ва Д.Колдуэлларнинг ҳисоблашларича, “бошқарув ҳисоби молиявий ҳисобни кенгайтиради ва энг аввало у фирманинг ички операцияларида қўлланилади. Унинг мақсади-аниқ ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришиш учун масъул менежерларни ахборот билан таъминлашдан иборат” .

О.Е.Николаева ва Т.В. Шишковаларнинг фикрича, бошқарув ҳисоби “маҳсулот таннархини кальекляция харажатларни бошқариш усуллари, узоқ муддатли режалаштириш ва бюджетлаштиришни бюджетларни ижро этиш устидан назорат ўрнатиш ва таҳлил этишни, четланишлар бўйича

бошқарувни, хилма-хил ва кўп сонли вазиятли бошқарув қарорлари қабул қилиш учун ахборот тайёрлашни ўз ичига олади”.

Айрим муаллифларнинг фикрича, калькуляция ҳисоби капиталистик тузумнинг тикланиши ва ривожланиши сабабли пайдо бўлган.

Б.А.Хасанов эса бу фикрга қарши улароқ, “...калькуляция ҳисоби хўжалик ҳисоби пайдо бўлиши билан бир вақтнинг ўзида келиб чиққан ва товар авлмашув муомалалари натижаси бўлиб ҳисобланган”лигини таъкидлайди.

XX асрнинг 40-йиллари охирида АҚШ ва Ғарбий Европанинг айрим мамлакатларида “ишлаб чиқариш ҳисоби” атамаси аста секин “бошқарув ҳисоби” атамасига алмашина бошлади.

Ч.Т.Хорнгрен ва Дж. Фостерларнинг фикрича, “бошқарув ҳисоби” ва “ишлаб чиқариш ҳисоби” атмалари синонимдир. Масалан, ишлаб чиқариш ҳисоби чегеараларини тавсифлар экан, улар таъкидлайдиларки, “ ... бошқарув ва ишлаб чиқариш ҳисобини ёки бошқача айтганда харажатлар ҳисобини таққослаймиз”.

Шу билан бир вақтда муаллифлар бошқарув ҳисобини ишлаб чиқариш ҳисобининг бир қисми деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, “... ишлаб чиқариш ҳисобининг бош мавқсади- маҳсулот ва хизматлар таннархини калькуляциялашдир.

Юқоридаги муаллифларнинг фикрларини умумлаштирар эканмиз, шу нарсани таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон ва хорижлик олимлар ишлаб чиқариш ҳисоби маҳсулот таннархи ва калькуляция жараёнини ва ҳисоб объектларининг аниқ чегаралари тўғрисида ягона фикрга эга эмас.

Шуни таъкидлаш зарурки, юқоридаги иқтисодчи олимларнинг илмий асарларида бозор иқтисодиёти шароитида саноат корхоналарида харажатлар ҳисоби ва таннархни калькуляция қилишни такомиллаштириш йўллариининг назарий асосларини ўрганиш тадқиқот объекти қилиб танланмаган. Шунингдек, айрим олимларнинг илмий ишлари бозор иқтисодиётига ўтишдан аввал-

ги даврларни қамраб олган, улар ўртасида қўйилган муаммоларнинг ечимини топиш борасида ягона қарашларнинг мавжуд эмаслиги бу соҳада чуқур илмий изланишлар олиб бориш лозимлигидан далолат беради.

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш билан боғлиқ ҳақиқий харажатларни ўз вақтида, тўлиқ ҳисобда акс эттириш;

- маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида материал, пул ва меҳнат ресурсларидан тўғри фойдаланилиши устидан назорат олиб боришни таъминлаш;

- ҳажми, сифати ва ассортименти бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг бажарилишини назорат қилиш;

- маҳсулот айрим турларининг ҳақиқий таннархини ҳисоблаш;

- таннарх бўйича режа топшириғи бажарилишини назорат қилиш;

- ишлаб чиқаришда фойдаланилмаган резервларни аниқлаш, хўжасизликка, брак ҳисобига, нобудгарчиликлар ва бошқа ишлаб чиқаришдаги унумсиз харажатларнинг бўлишига қарши кўраш олиб бориш;

- ишлаб чиқариш-хўжалик ҳисоби фаолияти натижаларини аниқлаш.

Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш “Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом” га мувофиқ олиб борилади. Мазкур Низом амалдаги қонун-қоидалар ҳисобга олинган ҳолда, хўжалик объектларида, яъни узининг фаолиятини амалга оширувчи юридик ва физик шахслар ишлаб чиқарган маҳсулот (иш, хизмат) таннархига қўшиладиган харажатлар бир хиллигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Низом бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш мақсадлари учун харажатларни ҳисоблаш ўртасидаги фаркни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Хўжалик субъектларида харажатларни ҳисоблаш ва улар фаолияти молия натижаларини аниқлаш, ушбу маълумотлар асосида хўжалик субъектининг бозор иқтисоди шароитида рақобатбардошлилигини аниқлаш учун зарур. Солиққа тортиладиган фойда бухгалтерия фойдасидан фарқ

қилади, корхона харажатларининг бир қисми аввалдаги солиқ сиёсатига кўра солиққа тортиладиган базага қўшилмайди.

Низомда харажатларни туркумлаш ва молиявий натижаларнинг таркиб топишининг асосий қоидалари баён этилган.

1.2. Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш усуллари

Ҳар қандай ишлаб чиқаришдан асосий мақсад имкони борида маҳсулот таннархини арзонлаштириш ва максимал даражада ижобий молиявий натижага эришишдан иборат. *Маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш таннархи* маҳсулот (иш, хизмат)ни ишлаб чиқариш ёки қайта ишлаш жараёнида ишлатиладиган табиат ресурслари, хом ашё, материал, ёқилғи, энергия, асосий фондлар, меҳнат ресурслари ҳамда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бошқа харажатларнинг пулдаги ифодасидир.

Низомга мувофиқ маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига, маҳсулот ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлган харажатлар қўшилади. Уларга қуйидагилар киради: тўғри ва эгри материал харажатлари, тўғри ва эгри меҳнат харажатлари, ишлаб чиқариш аҳамиятидаги устама харажатлар қўшилган ҳолда бошқа эгри ва тўғри харажатлар.

Шундай қилиб, юқорида айтилганлар асосида хулоса қилиш мумкинки, маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини ташкил қиладиган харажатлар иқтисодий мазмунига мувофиқ қуйидаги харажат элементларига бўлинади:

- а) ишлаб чиқариш материал харажатлари (қайтариладиган чиқиндилар қиймати чиқариб ташланган ҳолда);
- б) ишлаб чиқариш характеридаги меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;
- в) ишлаб чиқаришга тааллуқли ижтимоий суғўрта ажратмалари;

г) ишлаб чиқариш аҳамиятидаги асосий фондлар ва номоддий активлар амортизацияси;

д) ишлаб чиқариш аҳамиятидаги бошқа харажатлар.

Ишлаб чиқариш харажатларини туркумлаш. Режалаштириш, ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишни ташкил қилишнинг асосий тамойилларидан бири ишлаб чиқариш харажатларини ҳисоб ва ҳисоботда тўғри гуруҳлашдир.

“Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом”га мувофиқ ҳамма харажатлар куйидагича гуруҳланади:

-маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига қўшиладиган харажатлар;

-ишлаб чиқариш таннархига қўшилмайдиган, аммо асосий фаолиятдан олинadиган фойдада ҳисобга олинadиган давр харажатларига қўшиладиган харажатлар;

-корхона умумхўжалик фаолиятидан олинadиган фойда ёки зарарларда ҳисобга олинadиган корхона молиявий фаолияти бўйича харажатлар;

-даромаддан ёки фойдадан солиқлар тўлангунга қадар фойда ёки зарар ҳисоб-китобида ҳисобга олинadиган тасодифий зарарлар.

Шундай қилиб, харажат моддалари куйидагича гуруҳланади:

Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи:

а) тўғри ва эгри материал харажатлари;

б) тўғри ва эгри меҳнат харажатлари;

в) ишлаб чиқариш аҳамиятидаги устама харажатлар қўшилган ҳолда бошқа эгри ва тўғри харажатлар.

Давр харажатлари (ишлаб чиқариш таннархига қўшилмайдиган харажатлар):

а) реализация бўйича харажатлар;

б) бошқарма (маъмурий) бўйича харажатлар;

в) бошқа операцион харажатлар ва зарарлар.

Молиявий фаолият бўйича харажатлар:

- а) фоизлар бўйича харажатлар;
- б) чет эл валютаси билан боғлиқ операциялар бўйича салбий курс фарқлари;
- в) қимматли қоғозларга сарфланган маблағларни қайта баҳолаш;
- г) молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар.

Тасодифий зарарлар.

Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига қўшиладиган харажатлар-бу харажатлар бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш ва хизмат кўрсатиш) нинг асосини ташкил этувчи харажатларди. Уларга хом ашё, меҳнат ҳақи харажатлари, бевосита асосий ишлаб чиқаришда банд бўлган асосий воситаларнинг ва номоддий активларнинг амортизацияси, солиқ ва суҳўрта харажатлари, ишлаб чиқаришга бевосита четдан кўрсатилган иш ва хизматлар каби харажатлардир.

Иккинчи гуруҳ харажатлари “Давр харажатлари” деб аталади. *Давр харажатлари* деб, ишлаб чиқариш жараёни билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган харажатларга айтилади. Масалан, бошқарма бўйича маҳсулотнинг реализацияси билан боғлиқ ва бошқа умумхўжалик аҳамиятидаги харажатлар. Бу харажатлар комплекс харажатлар бўлиб, уларнинг ҳисоби мазкур харажатлар таркибига кирувчи харажат элементлари бўйича ташкил қилинади.

Молиявий фаолият бўйича харажатларга қуйидаги харажатлар киради: Банкка қисқа муддатли кредитлар бўйича тўловлар (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган миқдорда) ва мол етказиб берувчилар кредитлари бўйича фоиз тўловлари харажатлари.

Узоқ муддатга ижарага олинган мулк юзасидан фоизлар тўлаш бўйича харажатлар.

Чет эл валютаси билан боғлиқ операциялар юзасидан зарарлар ва салбий курс фарқлари.

Қўйилган маблағларни қайта баҳолашдан кўрилган зарарлар (қимматли қоғозлар ва бошқалар).

Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар.

Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар.

Тўртинчи гуруҳ харажатлар *тасодифий зарарлар* деб аталади, бу ерда корхона хўжалик фаолияти натижасида юз берадиган кўзда тутилмаган ҳар хил тасодифий зарарлар ҳисоб қилинади.

Харажатларни харажат моддалари бўйича ҳисобга олиш, у ёки бу маблағ тури қандай мақсадларга сарфланаётганлигини билиш, маҳсулотнинг айрим турлари таннархини калькуляция қилиш, таннархни камайтириш резервларини аниқлаш имконини беради. Калькуляция маълумотлари хўжалик ҳисобини мустаҳкамлашда, иқтисод қилиш тартибига риоя қилишда, иқтисодий талил йўли билан маҳсулот таннархини камайтириш резервларини аниқлашда катта аҳамиятга эга.

Маҳсулот таннархини калькуляция қилишда таннархга ўтказиш нуқтаи назаридан харажатлар бевосита (тўғри) ва билвосита (эгри) харажатларга бўлинади. *Бевосита харажатлар* деб, маҳсулотнинг айрим турлари таннархига тўғридан-тўғри, яъни бевосита ўтказиладиган харажатларга айтилади. Масалан, технологик мақсадлар учун сарфланган хом ашё ва асосий материаллар, ишлаб чиқаришда банд бўлганларнинг асосий меҳнат ҳақи ва бошқ.

Билвосита, яъни эгри харажатлар деб, ҳисобот оyi давомида йиғиб-тақсимловчи счётларда ҳисобга олиниб, таннархни калькуляция қилишда, маҳсулотнинг айрим турлари таннархига бирон-бир кўрсаткичга мутаносиб равишда тақсимлаш йўли билан унга қўшиладиган харажатларга айтилади. Кўпгина саноат корхоналарида бундай харажатларга умумцеҳ ва бошқа ишлаб чиқариш сарфлари киради.

Маҳсулот хажмига боғлиқлик нуқтаи назаридан харажатлар ўзгарувчан ва шартли-доимий (ўзгармайдиган) харажатларга бўлинади. Харажатларнинг бундай гуруҳланиши маҳсулот таннархини ташкил килувчи харажат модда-

лари микдорига ишлаб чиқарилган маҳсулот хажмининг бир хил таъсир қилмаслиги натижасида келиб чиқади. Харажат моддаларининг айримлари ишлаб чиқарилаётган маҳсулот хажмига мутаносиб равишда ўзгаради, бошқалари эса мутаносиб равишда ўзгармайди. Иқтисодий моҳиятига кўра ўзгарувчан харажатлар асосий харажатларга, шартли-доимий (ўзгармайдиган) харажатлар эса ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва унга хизмат қилиш билан боғлиқ харажатларга тенглаштирилади.

Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва таннархни калькуляция қилишни ташкил қилиш илмий тамойилларга асосланган ҳолда амалга оширилиши лозим. Шундай тамойиллардан бири корхоналарда калькуляция объектини тўғри аниқлашдир.

Калькуляция объекти-бу корхоналарда тайёрланадиган айрим маҳсулотлар, ярим тайёр маҳсулотлар, бирон-бир буюртма тури ёки бажариладиган хизмат турларидан иборатдир. Корхона учун калькуляция объектининг рўйхати аввалдан ишлаб чиқилади ва мутасадди ходимлар томонидан тасдиқланади. Харажатлар ҳисоби ва калькуляция қилинишни ташкил қилишда калькуляция бирлигини тўғри танлаш ҳам катта аҳамиятга эга.

Амалда маҳсулот таннархининг калькуляция бирлиги сифатида қуйидагилар қўлланилади:

- маҳсулотнинг натурал бирлиги (дона, метр, тонна кабилар);
- коэффициентлар ёрдамида ҳисобланган маҳсулотнинг шартли натурал бирлиги;
- маҳсулотнинг айрим турлари, буюртмалар (ярим тайёр маҳсулотлар, бажарилган иш, хизматлар).

Калькуляция бирлигини танлаш ишлаб чиқариш тармоғи хусусиятларига ҳамда ишлаб чиқариладиган маҳсулот характери ва унинг номенклатурасига боғлиқ.

Асосий ишлаб чиқариш харажатларининг таркиби, уларнинг ҳисоби ва маҳсулот таннархига ўтказилиш тартиби. Асосий ишлаб чиқариш

харажатларига маҳсулот ишлаб чиқариш технологик жараёни билан тўғридан-тўғри боғлиқ харажатлар киради. Масалан, ишлаб чиқариш жамиятидаги материал, ишлаб чиқариш характеридаги меҳнатга ҳақ тўлаш, ижтимоий суғўртага ажратма харажатлари, ишлаб чиқариш характеридаги асосий фондлар ҳамда номоддий активлар амортизацияси ва бошқа ишлаб чиқариш харажатлари киради.

Ишлаб чиқариш чиқиндилари деб, материаллар ва ярим тайёр маҳсулотларни қайта ишлаш жараёнида тўла ёки қисман истеъмол қилиш сифатини йўқотган материал ёки ярим тайёр маҳсулотлар қолдиғига айтилади. Чиқиндилар қайтариладиган ва қайтарилмайдиган чиқиндиларга бўлинади.

“Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом”га мувофиқ маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига қўшиладиган кейинги харажат элементи – ижтимоий ажратма харажатларидир. Бунга қуйидагилар киради:

“Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари” элементи бўйича таннархга қўшиладиган қуйидаги ажратмалар: амалдаги қонунлар бўйича ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларидан мажбурий ажратмалар-ижтимоий суғўрта органларига, нафақа фондида, давлат бандлик хизматида ва тиббий суғўрта органларига.

Давлатга қаршли бўлмаган нафақа фондларига, ихтиёрий тиббий суғўртага ва бошқа ихтиёрий суғўрта турларига ажратмалар.

Ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг ижтимоий суғўрта ажратмаси харажатлари калькуляция объектлари ўртасида асосий иш ҳақида мутаносиб равишда тақсимланади.

Ижтимоий суғўрта ажратмалари ишчиларнинг асосий иш ҳақларига нисбатан аввалдан белгиланган фоиз бўйича ҳисобланади.

Маҳсулот таннархига қўшиладиган 20-“Асосий ишлаб чиқариш” счётидаги қуйидаги харажатлар қуйидаги моддалар бўйича ҳисоб қилинади:

-материал харажатлари.

- мехнатга ҳақ тўлаш харажатлари.
- ижтимоий суғўртага ажратма харажатлари.
- асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси.
- бошқа харажатлар.

2300-“Ёрдамчи ишлаб чиқариш” счётидаги харажатлар ҳам худди шундай тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

Умумишлаб чиқариш харажатлари таркиби, уларни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархига ўтказиш тартиби. Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига маҳсулот ишлаб чиқариш билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлган харажатлар билан бир қаторда ишлаб чиқариш учун умумий бўлган, умумишлаб чиқариш характеридаги харажатлар ҳам қўшилади.

Умумишлаб чиқариш харажатлари бу асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш цехларини бошқариш ҳамда улар ишлаб чиқаришини ташкил қилиш билан боғлиқ харажатлардир. Уларга “Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом”га мувофиқ “Ишлаб чиқариш характеридаги асосий фондлар ва номоддий активлар амортизацияси”, “Ишлаб чиқариш характеридаги бошқа харажатлар” киради.

“Ишлаб чиқариш характеридаги асосий фондлар ва номоддий активлар амортизацияси” элементида Низомга мувофиқ қуйидагилар киради:

Белгиланган меъёрга кўра асосий ишлаб чиқариш фондлари баланс қиймати асосида ҳисобланган тўла тиклаш бўйича амортизация ажратмаси суммаси, бунга амалдаги қонунга мувофиқ ҳисобланган тезлаштирилган амортизация ҳам қўшилади.

Узоқ муддатга асосий воситаларни ижарага олган корхона, ўзига қарашли асосий фондлар ва ижарага олинган асосий фондлар бўйича тўла тиклаш базасидан амортизация ажратмасини “Асосий фондлар амортизацияси” элементида акс эттиради. Бундай ҳолларда, ижара берган корхона ижарага берилган асосий воситалар бўйича амортизация ҳисобламайди.

Ишлаб чиқариш характеридаги номоддий активлар бўйича эскириш ҳар ойда уларнинг дастлабки муддати бўйича ҳисобланган эскириш миқдорида таннарга қўшилади.

Ишлаб чиқаришга жараёнига тааллуқли хизмат сафари харажатлари.

Ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчилар ва ишлаб чиқариш активларининг мажбурий суғуртаси бўйича харажатлар.

Брак ҳисобига нобудгарчиликлар.

Кафолатланган таъмирлаш ва (маҳсулотга кафолатланган хизмат муддати белгиланган ҳолларда) кафолатланган хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар.

Ички ишлаб чиқариш сабабларига кўра бўш қолинган вақт бўйича нобудгарчилик.

Ишлаб чиқаришдаги ҳолатлар юзасидан меҳнат қобилиятини йўқотганлиги учун тўланадиган нафақа.

Ишлаб чиқариш жараёнида тўғридан-тўғри иштирок этадиган ходимлар соғлигини муҳофаза қилиш ва дам олишини ташкил қилиш бўйича чоратадбирлар билан боғлиқ харажатлар.

Таннарга қўшиладиган ва белгиланган тартибда ҳисобланадиган бюджетга мажбурий тўловлар, солиқлар, бюджетдан ташқари махсус фондларга ажратмалар.

Умумишлаб чиқариш харажатларининг синтетик ҳисоби 2510-“Умумишлаб чиқариш харажатлари” счётида юритилади. Бу счётдан корхонанинг асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш сарфлари ҳақидаги маълумотларини умумлаштириш учун фойдаланилади.

Умумишлаб чиқариш харажатларининг аналитик ҳисоби ҳисобкитобнинг журнал-ордер шаклини қўлловчи корхоналарда харажат моддалари бўйича 12-ведомостда юритилиб, ҳар бир цех учун алоҳида очилади. Ведомостнинг ойлик жами суммаси 10-журнал-ордерга кўчирилади. Ҳисобот охири давомида умумишлаб чиқариш харажатлари суммасига “Умумишлаб

чиқариш харажатлари” счётининг дебети қуйидаги счётлар кредити билан корреспонденцияланади: “Материаллар”, “Касса”, Ҳисоб-китоб счёти”, “Ходимлар билан меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар”, “Ижтимоий суғурта ва таъминот бўйича ҳисоб-китоблар” ва ҳоказо счётлар.

Ҳисобот охирида “Умумишлаб чиқариш харажатлари” счёти қуйидагича бухгалтерия проводкаси тузиш билан ёпилади:

Д-т-2010-“Асосий ишлаб чиқариш” счёти, 2310-“Ёрдамчи ишлаб чиқариш” счёти, 2610-“Ишлаб чиқаришдаги брак” счёти ва бошқа харажат счётлари.

К-т-2510-“Умумишлаб чиқариш харажатлари” счёти.

Маҳсулот таннархига қўшиладиган 2510-“Умумишлаб чиқариш харажатлари” счётидаги харажатлар қуйидагича моддалар бўйича ҳисоб қилинади:

Материал харажатлари;

Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;

Ижтимоий суғуртага ажратма харажатлари;

Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси;

Бошқа харажатлар.

Ишлаб чиқаришда брак ҳисобига nobудгарчиликлар ҳисоби ва уларни маҳсулот таннархига ўтказиш тартиби.

Ишлаб чиқаришда бухгалтерия ҳисобининг вазифаларидан бири брак ҳисобига ҳамда ярим тайёр маҳсулот ва бошқа моддий бойликларнинг бузилиши, камомади натижасида келадиган nobудгарчиликларни тўғри ҳамда ўз вақтида аниқлашдан иборатдир. Ҳисоб маълумотлари асосида ушбу nobудгарчиликлар миқдори аниқланиб қолмасдан, балки давлат маблағларининг унумсиз сарфланиш сабаблари ва бунга йўл қўйганларни ҳам аниқлаш лозим.

Яроқсизлик ҳисобига nobудгарчилик суммаси унумсиз харажатнинг бир тури бўлиб, у маҳсулот таннархининг ошишига ва корхона даромадининг

камайтишига олиб келади. Брак ҳисобига нобудгарчиликлар суммаси “Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом”га кўра ишлаб чиқариш таннархининг “Ишлаб чиқариш характеридаги бошқа харажатлар” моддаси таркибида таннархга қўшилади.

Ишлаб чиқаришдаги брак деб, ўз сифатига кўра белгиланган стандарт ва техник шароитларга тўғри келмайдиган детал ҳамда ярим тайёр маҳсулотларга айтилади. Ишлаб чиқаришда бракка йўл қўйилган бўлса, бундай маҳсулотни қайта ишлаш учун қўшимча харажатлар талаб қилинади ёки ундан умуман фойдаланиш имконияти бўлмай қолади. Брак таннархига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади.

Д-т-2610-“Ишлаб чиқаришдаги брак” счёти.

К-т-2010, 2310-“Асосий ишлаб чиқариш” ёки “Ёрдамчи ишлаб чиқариш” счётлари.

Ташқи яроқсизлик бўйича ишлаб чиқаришда харидор корхона зиммасига тушадиган турли чиқимлар (брак маҳсулотни алмаштириш билан боғлиқ транспорт харажатлари, тузатиб бўладиган брак учун тузатиш харажатлари ва ҳоказо) ҳам акс эттирилади. “Ишлаб чиқаришдаги яроқсизлик” счётининг кредитида эса айбдордан ушлаб қолинадиган маблағ, яроқсизлик маҳсулотдан фойдаланиш қиймати ҳамда бракка йўл қўйишда товар юборувчи корхоналар айбдор бўлса, у ҳолда улардан ундириб олиннадиган маблағ акс эттирилади. Ушбу суммаларга қуйидагича бухгалтерия ёзуви тузилади:

Д-т-“Материаллар” счёти (1010, 1020 ва х.к.).

К-т-6710-“Ходимлар билан меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар” счёти.

Д-т-6010-“”Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар” счёт.

К-т-2610-“Ишлаб чиқаришдаги брак” счёти.

Ушбу бухгалтерия ёзувларидан сўнг ишлаб чиқаришдаги брак счёти бўйича қолдиқ, брак ҳисобига нобудгарчилик суммаси кўрсатилади. Бу

сумма ушбу ҳисобот ойида ишлаб чиқарилган яроқли маҳсулотлар таннархига тўғридан тўғри ўтказилади. Тузатиб бўладиган яроқсизлик маҳсулотни тузатиш учун сарфланган харажатлар, яъни хом ашё ва материаллар, иш ҳақи, иш ҳақидан ижтимоий суғўртага ажратма ҳамда умумишлаб чиқариш харажатлари “Ишлаб чиқаришдаги брак” счётининг дебетиди, ишлаб чиқаришда брак ҳисобига нобудгарчилик суммасини камайтирадиган суммалар эса шу счётининг кредитида акс эттирилади. Бунда ҳам 2610-счёт бўйича колдик тузатиб буладиган брак бўйича нобудгарчилик суммасини кўрсатади ва у яроқли маҳсулотлар таннархига қуйидагича бухгалтерия проводкаси тузиш йўли билан қўшилади:

Д-т-2510-“Умумишлаб чиқариш харажатлари” счёти.

К-т-2610-“Ишлаб чиқаришдаги брак” счёти.

Ҳисоб-китобнинг журнал-ордер шаклини кулловчи корхоналарда “Ишлаб чиқаришдаги брак” счётининг аналитик ҳисоби айрим цехлар, маҳсулот турлари, харажат моддалари ва унинг айбдорлари бўйича 14-ведомостда юритилади. Брак маҳсулотларни ҳисобда акс эттиришда асосий ҳужжат шу хусусдаги акт ҳисобланади.

Тугалланмаган ишлаб чиқаришни баҳолаш ва ҳисобга олиш

Ҳисобот ойи охирида харажатлар жамлаб-тақсимлаш ва калькуляция қилиш счётларидан “Асосий ишлаб чиқариш” счёти дебетига ўтказилгандан сўнг уларни тайёр маҳсулот билан тугалланмаган ишлаб чиқариш ўртасида тақсимлаш зарурияти туғилади. Режалаштириш ва ҳисобда ялпи товар маҳсулотлари ҳамда тугалланмаган ишлаб чиқариш тушунчалари мавжуд.

Ялпи маҳсулот деб, ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган ҳамма тайёр ва ярим тайёр маҳсулотларнинг пул шаклидаги ифодасига айтилади. Шунингдек, ялпи маҳсулот таркибига четга сотилган ёрдамчи ишлаб чиқариш цехларининг маҳсулотлари, саноат характеридаги бажарилган иш, хизматлар ҳамда корхонанинг ўз капитал қурилиш ва саноатга тааллуқли бўлмаган ишлаб чиқариши ҳамда хўжаликлар учун бажарилган ишлар ҳам киритилади.

Товар маҳсулоти дейилганда четга сотиш учун мўлжалланган тайёр маҳсулот, бажарилган иш ва хизматларнинг пул шаклидаги ифодаси тушунилади.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш деб, технологик жараёнда кўзда тутилган ҳамма ишлаб чиқариш босқичини ўтмаган, техник назорати томонидан текшириб қабул қилинмаган буюм ва маҳсулотларга айтилади.

Тугалланмаган ишлаб чиқаришни баҳолашнинг юқорида келтирилган усуллари мураккаб ҳисобланади. Шунинг учун қатор саноат корхоналарида тугалланмаган ишлаб чиқаришни баҳолашда бошқа, енгилроқ усуллардан фойдаланиш қулайроқдир. Масалан, ишлаб чиқаришнинг йирик серияли ва оммавий характерга эга бўлган корхоналарида тугалланмаган ишлаб чиқариш норматив таннархда баҳоланади. Қисқа технологик цикли айрим саноат тармоқларида эса (жумладан, тўқимачилик, озиқ-овқат, кимё каби саноатлар) тугалланмаган ишлаб чиқариш таннархи хом ашё, материаллар харажати бўйича баҳоланиб, қолган ҳамма харажатлар тайёр маҳсулот таннархига қўшилади. Тугалланмаган ишлаб чиқаришни баҳолаш тартиби саноат корхоналарининг тармоқ йўриқномаларида белгилаб берилган бўлиши лозим.

Ҳисоб-китобнинг журнал-ордер шаклида ишлаб чиқариш харажатларининг умумий ҳисоби 10-журнал-ордерда юритилади. У уч бўлимдан иборат бўлиб, 1-бўлим-ишлаб чиқариш харажатлари, 2-бўлим-ишлаб чиқариш харажатларининг иқтисодий элементи бўйича ҳисоб-китоби, 3-бўлим- товар маҳсулот таннархи ҳисоб-китоби деб аталади.

Журнал-ордернинг биринчи бўлимида ишлаб чиқариш харажатлари “Асосий ишлаб чиқариш” (2000), “Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар”(2300), “Умумишлаб чиқариш харажатлари (2500), счётларининг дебети, “Материаллар” (1000) ва бошқа счётларнинг кредити билан корреспонденцияланган ҳолда келтирилади. Журнал-ордернинг иккинчи бўлимида ишлаб чиқариш харажатларининг харажат гуруҳлари бўйича маълумотлар келтирилади.

Учинчи бўлимда эса товар маҳсулоти таннархининг харажат калькуляция моддалари бўйича ҳисоб-китоби келтирилади. Бу бўлим ишлаб чиқариш харажатларининг айрим калькуляция объектлари бўйича ҳисоби ва “Тугалланмаган ишлаб чиқариш” счёти бўйича оборот ведомости ҳисобланади. Ундан ташқари харажатларнинг калькуляция моддалари бўйича товар маҳсулоти таннархи ҳақидаги ҳисоботи ҳам ҳисобланади. Ҳақиқий ҳисоб маълумотларини режадаги маълумотлар билан солиштириш натижасида товар маҳсулоти таннархининг бажарилиши аниқланади.

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш усуллари.

Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш усули деб, у ёки бу маҳсулот бирлигининг таннархини аниқлашда қўлланиладиган усуллар тизимига айтилади. У ёки бу калькуляция усулини қўллаш қуйидаги асосий омиллар билан аниқланади: ишлаб чиқариш тури ва мураккаблиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот номенклатураси, характери, тугалланмаган ишлаб чиқариш хажми, ишлаб чиқариш жараёнининг узун-қисқалиги ва ҳоказо.

Ишлаб чиқариш ҳисобининг охириги босқичи-бу харажатларни маҳсулотнинг айрим турлари бўйича деталлаштириш ва маҳсулот бирлиги таннархини аниқлашдир. Оддий ишлаб чиқариш, яъни кўмир, нефт, газ қазиб чиқаришда, иссиқлик ва электр қуввати ишлаб чиқаришда калькуляциянинг оддий усули қўлланилади. Мураккаб технологик жараёнга эга бўлган, масалан, металлургия, машинасозлик, тўқимачилик саноати корхоналарида калькуляция қилишнинг мураккаб усули қўлланилади. Агар корхонада айрим қисм, детал ва узеллардан ташкил топмаган оддий маҳсулот ишлаб чиқарилса, у ҳолда битта, яъни тайёр маҳсулот таннархини аниқлаш калькуляцияси тузилади. Агар корхонада бундай айрим детал ва узеллардан ташкил топган мураккаб маҳсулот ишлаб чиқарилса, баъзи ҳолларда тайёр маҳсулот таркибига кирувчи узел ва деталлар таннархини аниқлаш калькуляцияси ҳам

тузилади. Бу ҳол маҳсулот таннархини калькуляциялашни бирмунча мураккаблаштиради.

Мавжуд адабиётлардан ва инструктив материаллардан бизга маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини ҳисобга олиш ҳамда калькуляция қилишнинг қуйидаги уч усули маълум. Булар бўлимли, буюртмали, норматив усуллардир. Ҳар бир корхонада шу корхонанинг хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда калькуляциялашнинг у ёки бу усули қўлланилиши мумкин. Баъзан бир саноат корхонасида асосий ишлаб чиқариш цехларидан ташқари ёрдамчи ишлаб чиқариш цехлари мавжуд бўлганлиги сабабли битта корхона миқёсида харажатларни ҳисобга олиш ва таннархни калькуляция қилишнинг бир эмас, балки бир неча усули қўлланилиши мумкин.

Калькуляциялашнинг оддий ёки бир бўлимли усулининг моҳияти шундан иборатки, бунда маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ тўғри ва эгри харажатлар калькуляция моддалари бўйича ҳисоб қилинади. Битта маҳсулотнинг ўртача таннархи ҳисобот оyiдаги харажатлар суммасини харажат моддалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот сонига тақсимлаш йўли билан аниқланади. Харажатларни ҳисобга олиш ва таннархни калькуляция қилишнинг ушбу оддий усулини айрим қисм ёки ярим тайёр маҳсулотлардан ташкил топмаган оддий маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхоналарда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Чунки бундай корхоналарда тугалланмаган ишлаб чиқариш жуда оз миқдорда ёки бутунлай бўлмаслиги ҳам мумкин. Калькуляция қилишнинг оддий усули кўпинча тайёр маҳсулотни қазиб чиқарувчи ва айрим маҳсулотни қайта ишловчи саноат корхоналарида қўлланилади.

Бўлимли усул. Харажатларни ҳисобга олиш ва калькуляция қилишнинг бўлимли (попередел) усули асосан металлургия, тўқимачилик, енгил, кимё ва бошқа саноат корхоналарида қўлланилади. Бу корхоналарда ишлаб чиқариш айрим ишлаб чиқариш бўлимлари, босқичларидан ташкил топган бўлади. Масалан, металлургия саноатига қарашли корхоналар домна, пўлат

эритиш ва прокат ишлаб чиқариш бўлимларидан ташкил топган бўлади. Бир бўлимда материал қайта ишланиб, ярим тайёр маҳсулот ҳолига келтирилади, бошқаларида эса ушбу ярим тайёр маҳсулот қайта ишланиб, тайёр маҳсулот ҳолига келтиришга мулжалланган. Бўлимли усулининг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, унда ҳар бир цехдаги ишлаб чиқариш харажатлари ишлаб чиқаришнинг ҳар бир бўлимли босқичи бўйича алоҳида ҳисобга олиниб, бу харажатлар ҳисоби маҳсулотнинг айрим турлари ёки гуруҳлари калькуляция моддалари бўйича юритилади.

Буюртмали усулнинг моҳияти шундан иборатки, бунда ҳамма асосий харажатлар калькуляция моддалари бўйича, ҳар бир ишлаб чиқариш буюртмаси бўйича алоҳида ҳисоб-китоб қилинади. Ишлаб чиқариш буюртмалари четдан маҳсулотнинг маълум турларини ишлаб чиқариш учун берилади. Бошқа харажатлар эса цех ёки корхона бўйича ҳисоб қилинади, айрим ишлаб чиқариш буюртмаларини таннархини калькуляциялашда уларнинг таннархи бирон-бир кўрсаткичга мутаносиб равишда тақсимлаш йўли билан ўтказилади. Демак, калькуляция қилишнинг бу усулида харажатлар ҳисоби ва калькуляциялаш объекти айрим ишлаб чиқариш буюртмалари ҳисобланади. Буюртманинг ҳақиқий таннархи буюртма тайёр бўлгандан кейин аниқланади. Усул асосан мураккаб маҳсулот турлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган, ишлаб чиқаришнинг индивидуал хилига мансуб корхоналарда ҳамда махсус асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш, тузатиш ва тажриба ишларини бажаришга мўлжалланган ёрдамчи ишлаб чиқариш цехларида қўлланилади. Бу усулда ҳар бир қабул қилинган буюртма учун алоҳида варақа очилади. Қабул қилинган буюртма махсус китобларда рўйхатга олинади ва унга навбатдаги рақам бириктирилиб, ушбу рақам буюртма тайёр ҳолга келтирилгунга қадар унинг шифри бўлиб туради. Буюртма бажарилиши давомида расмийлаштирилган ҳамма дастлабки ҳужжатларда ана шу шифр қўйиб бо-рилади. Бу нарса буюртма таннархини калькуляциялашда, у ёки бу харажат

моддасини буюртма таннархига қўшишда муҳим аҳамиятга эга. Буюртма маҳсулот тайёр ҳолга келтирилгандан кейин варака ёпилади.

Ундаги маълумотлар асосида буюртманинг ҳақиқий таннархи аниқланади. Калькуляциялашнинг буюртмали усулида калькуляция объекти тайёр ҳолга келтирилган буюртмадир. Агар ҳисобот оyi охирида буюртма тугалланмай қолса, у ҳолда тугалланмаган буюртма бўйича харажатлар балансида тугалланмаган ишлаб чиқариш сифатида кўрсатилади.

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг *норматив усули* асосан ишлаб чиқаришнинг оммавий ва йирик тармоғи бўлмиш машинасозлик ҳамда металлни қайта ишлаш корхоналарида қўлланилади. Бу усулнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

Маҳсулотнинг меъёрдаги таннархи аниқланади, бунинг учун норматив калькуляцияси тузилади. Маҳсулотнинг норматив таннархи материал, ёкилғи, иш ҳақи ва бошқа асосий харажатларнинг харажатдаги меъёри ҳамда умумишлаб чиқариш харажатларнинг тасдиқланган чоракли сметалари асосида аниқланади.

Ҳисобот оyi давомида асосий ишлаб чиқариш харажатларининг (хом ашё ва ёрдамчи материаллар, иш ҳақи) ҳақиқий суммаси эмас, балки ҳақиқий суммаси билан меъёрлаштирилган суммаси ўртасидаги фарқ, яъни меъёрдан четга чиқиш ҳисоб-китоб қилинади.

Меъёрдан четга чиқиш цехлар ва айрим корхоналарнинг маҳсулот гуруҳи, маҳсулот тури ва харажат моддалари бўйича ҳисобга олинади. Агар меъёрдан четга чиқиш ортиқча харажат бўлса, у ҳолда расмийлаштирилган дастлабки ҳужжатда унинг келиб чиқиш сабаби ва айбдори кўрсатилади. Бу борада ҳисобнинг асосий вазифаларидан бири меъёрдан четга чиқиш хусусидаги маълумотларни цех бошлиғи ва корхона маъмуриятига маълум қилишдир. Бунинг учун белгиланган муддатда (хар 5 ёки 10 кунда бир бор) меъёрдан четга чиқиш ҳоллари хусусида маълумот бериб борилади. Бу эса

йўл қўйилган ортиқча харажатларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиб, кейинчалик бу хатолар қайтарилмаслиги учун тегишли чора-тадбирлар кўриш имконини беради. Ҳаракатдаги меъёрнинг ўзгариши ҳисоб-китоб қилинади.

Норматив усулда маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи норматив таннархга меъёрдан четга чиқиш ва меъёрдаги ўзгаришни қўшиш ёки айириш йўли билан аниқланади.

Ҳисобот оyi давомида ҳаракатдаги материал ва меҳнат нормативларида ўзгариш содир бўлган бўлса, маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини аниқлашда меъёрдаги ўзгариш ҳам ҳисобга олинади. Шундай қилиб, ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляциялашнинг норматив усулида меъёрдан четга чиқиш ҳисобот оyi давомида ҳисоб қилинади. Бу эса ишлаб чиқаришда йўл қўйилган ортиқча харажатларни ўз вақтида аниқлаш, унинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиш, ўрганиш ва бунинг олдини олиш учун тегишли чора-тадбирлар кўриш имкониятини беради. Бир суз билан айтганда, калькуляция қилишнинг норматив усули ишлаб чиқариш харажатлари устидан назорат олиб бориш, корхона ички ишлаб чиқариш резервларини аниқлаш, уларни ишга солиш имкониятини беради. Шу жиҳатдан бу усул бошқа усуллардан анча устун туради ва уни тўғри қўллаш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

Норматив калькуляцияси тузиладиган деталлар, тайёр маҳсулотлар номенклатурасини корхона микёсида ишлаб чиқиш. Асосий ишлаб чиқариш харажатлари (хом ашё, асосий ва ёрдамчи материал, иш ҳақи) нормативини ишлаб чиқиш. Калькуляциялашнинг бошқа усуллари каби бу усулда ҳам корхонада омборлар ишини тўғри ташкил қилиш, уларни зарур асбоб-ускуналар билан таъминлаш, моддий бойликларни ишлаб чиқаришга сарфлаш бўйича дастлабки ҳужжатларни тўғри ва ўз вақтида тузиш устидан назорат олиб бориш, ҳисоб ишларини бажаришда ҳисоблаш машиналаридан кенг фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

I боб бўйича хуласалар

Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларда маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини имкон қадар тежаш ва максимал даражада ижобий молиявий натижага эришишга интилади. Хўжалик юритувчи субъект *ишлаб чиқариш харажатлари* деб, маҳсулотни ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларга айтилади. Уларга хом ашё, материал, ёқилғи, амортизация ажратмаси, ишчи, хизматчилар иш ҳақи ва маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бошқа харажатлар кирази. Таннарх кўрсаткичи корхона фаолиятида муҳим сифат кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. У қанча паст бўлса, ишлаб чиқариш рентабеллиги шунча юқори бўлади. Таннархга корхонанинг ҳамма харажатлари қўшилмайди, баъзи харажатлари бошқа манбалар ҳисобидан қопланади. Масалан, фойда ҳисобидан давр харажатлари қопланади. Харажатларнинг аналитик ҳисоби белгиланган харажат моддалари бўйича юритилади. Ҳар қандай жамият бўлишидан ва қандай ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъект бўлишидан қатъий назар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун харажатлар қилиниши зарурий шарт ҳисобланади. Уларни тўғри ва ўз вақтида ҳисобини юритиш бухгалтерия ҳисоби зиммасига юкланади.

Харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляциясининг назарий асосларини яратиш бўйича хорижлик ва республикамиз иқтисодчи олимлари тадқиқотлар олиб боришган. асарларида харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляциясининг назарий ва услубий асосларини ривожлантириш муаммолари ўрганилган.

Бошқарув ва молиявий ҳисоб параллел равишда: молиявий бухгалтерия харажатлар элементлари бўйича, бошқарув ҳисоби эса калькуляция моддалари бўйича ташкил этилади. Шунингдек, халқаро стандартларда ўрнатилган тартибда харажат меъёрлари ва улардан четланишлар бўйича ҳисоб юритилади.

Шу билан бир вақтда айрим муаллифлар бошқарув ҳисобини ишлаб чиқариш ҳисобининг бир қисми деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, “... ишлаб чиқариш ҳисобининг бош мавқсади-маҳсулот ва хизматлар таннархини калькуляциялашдир.

Муаллифларнинг фикрларини умумлаштирар эканмиз, шу нарсани таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон ва хорижлик олимлар ишлаб чиқариш ҳисоби маҳсулот таннархи ва калькуляция жараёнини ва ҳисоб объектларининг аниқ чегаралари тўғрисида ягона фикрга эга эмас. Уларнинг илмий асарларида бозор иқтисодиёти шароитида саноат корхоналарида харажатлар ҳисоби ва таннархни калькуляция қилишни такомиллаштириш йўллариининг назарий асосларини ўрганиш тадқиқот объекти қилиб танланмаган. Шунингдек, айрим олимларнинг илмий ишлари бозор иқтисодиётига ўтишдан аввалги даврларни қамраб олган, улар ўртасида қўйилган муаммоларнинг ечимини топиш борасида ягона қарашларнинг мавжуд эмаслиги бу соҳада чуқур илмий изланишлар олиб бориш лозимлигидан далолат беради.

Саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига қўшиландиган харажатлар-бу харажатлар бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш ва хизмат кўрсатиш) нинг асосини ташкил этувчи харажатлардир. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва таннархни калькуляция қилишни ташкил қилиш илмий тамойилларга асосланган ҳолда амалга оширилиши лозим. Шундай тамойиллардан бири корхоналарда калькуляция объектини тўғри аниқлашдир.

Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш усули деб, у ёки бу маҳсулот бирлигининг таннархини аниқлашда қўлланиладиган усуллар тизимига айтилади.

Калькуляциялашнинг оддий ёки бир бўлимли усулининг моҳияти шундан иборатки, бунда маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ тўғри ва эгри харажатлар калькуляция моддалари бўйича ҳисоб қилинади.

Бўлимли усул. Харажатларни ҳисобга олиш ва калькуляция қилишнинг бўлимли (попередел) усули асосан металлургия, тўқимачилик, енгил, кимё ва бошқа саноат корхоналарида қўлланилади.

Буюртмали усулнинг моҳияти шундан иборатки, бунда ҳамма асосий харажатлар калькуляция моддалари бўйича, ҳар калькуляция қилишнинг бу усулида харажатлар ҳисоби ва калькуляциялаш объекти айрим ишлаб чиқариш буюртмалари ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг *норматив усули* асосан ишлаб чиқаришнинг оммавий ва йирик тармоғи бўлмиш машинасозлик ҳамда металлни қайта ишлаш корхоналарида қўлланилади. Бу усулнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат: маҳсулотнинг меъёрадаги таннархи аниқланади, бунинг учун норматив калькуляцияси тузилади. Маҳсулотнинг норматив таннархи материал, ёқилғи, иш ҳақи ва бошқа асосий харажатларнинг ҳаракатдаги меъёри ҳамда умумишлаб чиқариш харажатларнинг тасдиқланган чоракли сметалари асосида аниқланади.

Бозор иытисодиёти шароитида ҳар бир субъектнинг ишлаб чиқариш хусусиятидан келиб чиқиб, маҳсулот таннархини калькуляция қилиш усулини танлаш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, ҳар бир субъектда харажатлар моддаларининг таркиби турлича бўлади. Уларни ҳисобини тўғри ташкил этиш бошқарув ходимлари учун тўғри ва оқилона қарорлар чиқариш учун асос бўлади.

II боб. Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнида харажатлар ҳисобини ташкил қилиш ва маҳсулот таннархини аниқлашнинг амалий жиҳатлари

2.1. Саноат корхоналарида харажатлар ҳисобини ташкил қилишнинг замонавий шакллари ҳамда маҳсулот таннархини аниқлашнинг амалий жиҳатлари.

Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини тўғри ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Қашқадарё пармалаш ишлари” ОАЖ да бурғилаш тизмаси- кудук тубида бурғи ва ер юзасидаги бурғилаш жиҳозларини бирлаштирувчи буғундир. У бурғига энергия бериш (механик, гидравлик, электрик), бурғилаш аралаш-масини кудук тубига етказиб бериш, бурғида ўқ бўйича юкланмани яратиш, бурғи ва туб двигателининг реактив моментини қабул қилишга мўлжаллангандир.

Бурғилаш тизмасини асосий элементларига-етак қувурлар, бурғилаш қувурлари, бурғилаш қулфи, узатгичлар, бурғилаш тизмасини марказлагичлар, оғирлаштирилган бурғилаш қувурлари киради.

Етакчи қувурлар-қалин деворли қувур бўлиб, кесим юзаси квадрат, олти қиррали ёки чамбарак шаклида бўлиб, бурғилаш аралашмаларини ўтиши учун айланма ёки квадрат тешиклари концентрик жойлашган.

Бурғилаш амалиётида етакчи қувурларни квадрат кесимлиси кўпроқ қўлланилади. Олти қиррали ва чамбаракли етакчи қувурлар кам қўлланилади. Етакчи қувурлар конструктив ҳолда икки хил вариантда бажарилади: йиғма, учта деталдан ташкил топган ва бутун (яхлит).

Етакчи қувурни тепа учига юқори узатма бириктирилиб у вертлюг билан бириктириш вазифасини, пастки учига пастки узатма бириктирилиб уни ёрдамида бурғилаш тизмасига бириктирилади.

Юқори узатмани бўш учи вертлюг билан уланиш учун чап қулфли резба билан таъминланган: пастки учигаги бўш учи бурғилаш тизмаси

билан бириктириш учун унги қулфли резъба билан таъминланган. Етакчи қувурнинг йиғма конструкцияси 65х65, 80х80, 112х112, 140х140, 155х155 мм ўлчамларда тайёрланади

Харажатлар ҳисобини ташкил этишнинг замонавий шаклларида бири “Стандарт-кост” тизими ҳисобланади. Ривожланган хорижий мамлакатларда корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқаришга килинган харажатлари ва молиявий натижаларининг асосланган маълумотлари бўйича тўғри қарорлар қабул қилиш учун “Стандарт-кост” ҳисоб-китоб тизимидан фойдаланилади.

Бу тизимнинг асосида белгиланган харажат нормативлари ва ундан четга оғишишлар бўйича алоҳида ҳисоб-китоб юритиш ва назорат қилиш таомиллари ётади.

“*Стандарт-кост*” атамаси аслида иккита сўз туркумидан ташкил топгандир. “*Стандарт*” деган сўз маълум турдаги маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган моддий, молиявий ва меҳнат харажатлари учун аввалдан ҳисоб-китоб қилиб қўйилган харажатларнинг норматив миқдорини англатади.

«*Кост*» атамаси эса муайян маҳсулот бирлигига тўғри келадиган ҳақиқий харажатларни ифода этади.

Ч. Гаррисон 1911 йилда АҚШда “Стандарт-кост” ғоясини иккита қоида ёрдамида биринчи бўлиб ифодалаган:

1. Барча сарфланадиган харажатлар бухгалтерия ҳисобида стандартлар билан таққосланган бўлишлиги керак;
2. Ҳақиқий харажатлар стандартлар билан қиёсланиб, аниқланган оғишишларнинг сабаблари ва жавобгарлиги бўйича алоҳида ҳисоб юритилиши зарур.

Бу тизимнинг асл моҳияти шундаки, зарур жараёнда вужудга келган оғишишлар тўғрисидаги барча ахборотлардан маъмурий раҳбарлар тезкор бошқарув қарорларини қабул қилиш учун фойдаланадилар.

Бу тизимнинг асосида маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни бошлангунича барча харажатлар ҳар бир моддаси бўйича қуйидагича нормаланади:

- асосий материаллар;
- асосий ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг иш ҳақлари;
- ишлаб чиқаришдаги тақсимланадиган харажатлар (ёрдамчи материаллар, ижара ҳақлари, ёрдамчи ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг иш ҳақлари ва бошқалар);
- сотиш харажатлари.

“Стандарт-кост” тизимида олинadиган фойда қуйидагича аниқланади:

1. Маҳсулот сотишдан олинган ялпи даромад;
2. Маҳсулотнинг стандарт таннари;
3. Ялпи фойда (1қ-2қ);
4. Стандартлардан оғишишлар;
5. Фойда (3қ- 4қ).

Ҳақиқий қилинган харажатларнинг аввалдан белгиланган стандартлардан оғишиш даражасининг таҳлили ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келган камчиликларни тезкор бартараф этишга ва келгусида уларнинг бўлмаслиги учун олдини олишга имконият яратади.

Яратилadиган маҳсулотнинг стандарт таннарини аниқлаш учун мўлжалланган хом-ашёнинг норматив харажатлари, ишчи кучи ва тақсимланadиган харажатларнинг ҳам нормативлари аниқланади ва умумлаштириб ҳисоб қилинади.

“Стандарт-кост” ҳисоб тизимидан фойдаланadиган корхоналар қуйидаги харажат моддаларининг оғишишлари бўйича ҳисобини ташкил этадилар:

- хом - ашё харажатлари бўйича оғишишлар;
- меҳнат ҳақлари бўйича оғишишлар;
- умум ишлаб чиқариш харажатлари бўйича оғишишлар;
- давр харажатлари бўйича оғишишлар.

“Стандарт-кост” тизимидаги энг асосий талаб- бу харажатларнинг белгиланган нормаларидан оғишишлари устидан қаттиқ назорат бўлиб, у эса ўз навбатида харажатлар стандартларини такомиллаштиришга имконият яратиб беради.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, ҳозирги даврда Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш жадал олиб борилмокда.

Бухгалтерия ҳисоби бозор иктисодиёти ва молиявий ҳисобот стандартларининг талабларига кўпроқ мувофиқлаштирилмокда.

Субъектларга эндиликда ҳам ҳақиқий ҳамда норматив таннархлар бўйича бухгалтерия ҳисоби объектларини баҳолаш ва акс эттириш, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг шакл ва усуллари мустақил белгилаш ҳуқуқлари берилди.

Жумладан, норматив таннарх бўйича тайёр маҳсулотларнинг синтетик ҳисобини ташкил этган корхоналар янги ҳисоблар режасига кўра 2800-«Тайёр маҳсулотлар ҳисоби» ҳисобини қўллашлари мумкин.

Бу ҳисоб ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳақидаги ахборотни умумлаштириш ва унинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархининг норматив (стандарт) таннархидан оғишишларини аниқлаш учун хизмат қилади.

Ҳисобот оyi тугагандан кейин 2010–“Асосий ишлаб чиқариш” ҳисобида кайд этилган ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи шу ҳисоб кредитидан 2810–“Омбордаги тайёр маҳсулотлар” ҳисоби дебетига тузатиш проводкалари орқали ўтказилади.

Бу вақтда ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот ҳақидаги маълумот икки хилдаги баҳода шаклланади, яъни дебет бўйича маҳсулотнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи ва кредит бўйича унинг норматив таннархида акс эттирилади.

Ҳисобот ойининг охирида 2810–“Омбордаги тайёр маҳсулотлар” ҳисоби бўйича дебет ва кредит оборотларини таккослаш йўли билан ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархининг нормативдаги таннарихидан оғишиши аниқланади. Бошқарув ҳисобининг “Директ-костинг” тизими.

“Директ-костинг” ҳисоб тизимининг ўзига хос туб моҳияти “Қисман харажатлар ҳисоби” деган маънони англатиб, унинг асосий кўрсаткичи маржинал (оралиқ молиявий натижа) даромаддан иборат.²

Бу тизим ёрдамида ишлаб чиқаришнинг фойдалилик даражаси аниқланади, маҳсулотни зарарсиз сотиш баҳоси белгиланади, корхонанинг ассортимент бўйича асосий сиёсати белгилаб олинади.

“Директ-костинг” ҳисоб-китоб тизими бўйича фақатгина маҳсулот ишлаб чиқаришга бевосита боғлиқ харажатлар ҳисобга олиниб, маҳсулот таннарихи аниқланади.

Бизнинг иқтисодиётимизга бу атама яқиндагина кириб келди.

“Директ-костинг” тизимида молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботлар қуйидаги кўринишда акс эттирилади:

Шундай қилиб, *“Директ-костинг” ҳисоб-китоб тизими қуйидаги хусусиятларга эгадир:*

- 1) ҳисобни энг биринчи навбатда маржинал даромад, яъни оралиқ молиявий натижани аниқлашга йўналтирилганлиги;
- 2) маҳсулотни фақат ўзгарувчан харажатлар нуқтаи назардан ҳисобга олиш ва ишлаб чиқариш таннарихини аниқлаш;
- 3) корхона бўйича доимий харажатлар ҳисобини юритиш ва уларни якуний молиявий натижани аниқлаш учун операцион фойдани камайтиришга қаратиш;
- 4) баҳони тезкор бошқариш жараёни базаси сифатида маржинал даромадни аниқлаш;

² Бошқарув ҳисоби. назария ва услубиёт. Монграфия. Т.:»Молия» 196 бет

5) сотишнинг ҳажми, таннарх ва фойда ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва муносабатни аниқлаш;

6) зарарсизлик нуқтасини белгилаш.

“Директ-костинг” ҳисоби тизимининг асосий афзалликлари куйидагилардан иборатдир:

- маҳсулотнинг таннархини ҳисоблашдаги соддалашганлик ва аниқлик (чунки, таннарх фақат ўзгарувчан харажатлар қисмидагина режалаштирилади ва ҳисобга олинади);

- маҳсулотнинг турлари ўртасида доимий харажатларни шартли тақсимлаш учун мураккаб ҳисоб-китоблар қилинмаслик (чунки, улар маҳсулот таннархи таркибига киритилмайди ва молиявий натижалар ҳисобидан қопланади);

- фойдалилик даражаси (зарарсизлик нуқтаси, сотиш ҳажми), маҳсулот баҳосининг қуйи чегарасини аниқлаш имкониятининг мавжудлиги;

- маҳсулотнинг хилма-хил турлари бўйича фойдалилик даражасини киёсий таҳлил қилиш имкониятининг вужудга келиши;

- маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишнинг қулай дастурини аниқлашнинг имконияти борлиги;

- ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот ёки хизматлар ҳамда уларни четдан сотиб олишдаги танловнинг имконияти мавжудлиги.

“Директ-костинг” ҳисоб тизими маъмуриятга корхона бўйича ҳам, турли маҳсулотлар бўйича ҳам маржинал даромаднинг ўзгаришига эътиборни қўйишга имконият беради, бунда юқори фойдали маҳсулотни ишлаб чиқаришни аниқлашда сотиш баҳоси ва ўзгарувчан харажатлар суммаси ўртасидаги фарқ алоҳида маҳсулотлар таннархига доимий харажатларни киритишда яшириниб қолмайди, мазкур тизим бозор шароитида харидоргир маҳсулотларни тез аниқлаб олиш ва ишлаб чиқариш имкониятини яратиб беради.

Эркин бозор ракобати шароитида “Директ-костинг” тизими корхонани бошқариш тизими бўлган маркетингнинг таркибий қисми сифатида хизмат қилади.

Бундан ташқари, “Директ-костинг” ҳисоб тизими доимий харажатлар устидан тезкор назорат ўрнатишга ҳам ёрдам беради, чунки таннархни назорат қилиш жараёнида стандарт (норматив) харажатлар (“Директ-костинг” ҳисоб тизими “Стандарт-кост” тизими билан биргаликда ташкил этилади) аниқ қилиб тузилган сметалардан фойдаланилади.

“Директ-костинг” тизимида стандартлар қўлланилиши ҳисобига ўзгарувчан ва доимий харажатларга аниқ нормалар белгиланади. Шунини айтиш керакки, тўла таннарх ҳисоби тизимида тақсимланмаган қўшимча харажатлар суммасининг бир қисми бир даврдан бошқасига ўтади, шу боис, уларни назорат қилиш сустрлашади.

Ўзбекистондаги субъектларни бошқаришда “Директ-костинг” тизими-ни қўллашнинг катта имкониятлари мавжуд.

Бизда мустақиллик йилларигача маҳсулотнинг тўлиқ таннархнини калькуляция қилиш Ўзбекистон бухгалтерия ҳисоби учун анъанавий ҳисобланган, ёхуд ундаги ҳисобнинг мақсади маҳсулотнинг тўлиқ таннархи ҳақида маълумотларни олишга қаратилган.

Бу вариантда маҳсулот таннархи доимий ва ўзгарувчан, асосий ва қўшимча, бевосита ва билвосита, узлуксиз ишлаб чиқариладиган ва даврийга бўлинганлигидан қатъий назар бу таннархга корхонанинг барча харажатлари киритилиши характерлидир.

Бунга сабаб, бевосита маҳсулотга тааллуқли бўлмайдиган харажатлар ҳисобот даври мобайнида йиғиб-тақсимловчи ҳисобларда тўпланилган, сўнг-ра ҳисоб сиёсати бўйича тасдиқланган базага мутаносиб равишда маҳсулот таннархига ўтказилган, бироқ бу вариантда маҳсулот бирлиги таннархи маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажми ўзгарганда мос ҳолда ўзгариб туриши ҳисобга олинмаган.

Шуни ҳисобга олиш шартки, агар корхона маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини кенгайтирса, маҳсулот бирлиги таннархи мос ҳолда пасаяди, агар корхона маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини қисқартирса, мутаносиб равишда маҳсулот таннархи ҳам ўсади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 мартда 164-сонли “*Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисида*”ги Низомни тасдиқлаш ва “*Бухгалтерия ҳисоби счётлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида*”ги қарорига кўра бухгалтерия ҳисобини “Директ-костинг” тизимида ривожлантириш юзасидан бир қатор қадамлар қўйилди. Хусусан, Республика Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган ва БМТнинг халқаро экспертлари иштирокида ишлаб чиқилган “*Маҳсулот (иш, хизматлар)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида*”ги Низом 1995 йил 27 январда қабул қилинди.

Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 1995 йил 4 апрелда 17- 02/28 - сонли йўриқномаси тасдиқланиб, унда маъмурий бошқарувга оид харажатлар “*Давр харажатлари*” деб аталиши зарурлиги ва улар “*Фойда ва зарарлар*” ҳисобига тўғридан-тўғри олиб борилиши белгилаб қўйилди.

“Директ-костинг” тизими бўйича Ўзбекистон корхоналарининг ҳисоб амалиётини ташкил этиш корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятининг самарадорлигини оширишга, санаб ўтилган кўрсаткичлар назоратининг таҳлилийлиги ва ишончлилигини кучайтиришга, маҳсулот таннархини пасайтиришнинг ички резервларини аниқлаш ва улардан самарали фойдаланишга имконият яратиб беради.

Бошқарув ҳисобининг “ЖТ” тизими. “ЖТ” тизими бўйича ишлаб чиқаришни бошқариш - бу “*Аниқ муддатда*” деган маънони англатади.

XX асрнинг 70-йилларида “ЖТ” тизими Япониянинг “Тойота” компаниясида жорий этилди.

“ЎТ” тизимининг асл моҳияти у маҳсулотни йирик туркумларда ишлаб чиқаришдан воз кечишни, бунинг ўрнига узлуксиз оқимли маҳсулот ишлаб чиқаришни мақбул йўл деб ҳисоблайди.

Мазкур тизимда товар-моддий қийматликларининг узоқ муддатга захиралари қолишига йўл қўйилмайди, шу йўл билан моддий захиралар бекорга узоқ ётмайди ва молиявий ресурслар ҳаракатсиз туриб қолмайди.

“ЎТ” тизимининг бош мақсади ҳар қандай ортиқча харажатлардан воз кечиш ва корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланишдан иборатдир.

Бу тизимда аслида бир тамойилга асосланилади, яъни маҳсулотни унга талаб бўлгандагина ишлаб чиқариш, фақат харидорнинг буюртмаси бўйича ишлаб чиқариш. Дарҳақиқат, шундагина талаб ҳар доим ҳам таклиф билан таъминланган бўлади.

Ишлаб чиқариш жараёнида муомалаларнинг қатъиян кетма-кетлиги таъминланади, деталлар, қисмлар ва материалларни ишлаб чиқариш жараёнида улардан фойдаланиш зарурияти туғилгандагина етказиб берилади.

“ЎТ” ҳисоб тизими ишлаб чиқарилаётган туркум миқдорини, тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиғини камайтириш, товар-моддий захиралари ҳажмини энг кам даражага келтириш, ишлаб чиқариш буюртмаларининг ойлар ва ҳафталар бўйича эмас, балки кунлар ва соатлар бўйича бажарилишини кўзда тутади.

Бундай шароитда бошқарув ҳисоби тизими ҳам соддалашади, чунки ишлаб чиқаришга сарфланган материаллар ва хизматлар ҳисобини биргина, яхлитланган ҳисобда амалга ошириш имконияти вужудга келади.

Бундан ташқари, ушбу тизимни қўллаш вақтида корхона харажатларининг бир қисми билвосита доимий харажатлар гуруҳидан бевосита ўзгарувчан харажатлар (тўғридан-тўғри таннархга борадиган) таркибига ўтади.

Харажатларнинг бевосита ва билвосита таснифланиши

№	Харажатларнинг турлари	Харажатлар тури	
		Ҳисобнинг анъанавий тизимида	“JIT” ҳисоб тизимида
1.	Меҳнат харажатлари	Бевосита	Бевосита
2.	Моддий харажатлар	Бевосита	Бевосита
3.	Материалларни қайта ишлаш	Билвосита	Бевосита
4.	Таъмирлаш ва техник хизмат	Билвосита	Бевосита
5.	Энергия таъминоти	Бевосита	Бевосита
6.	Жорий харажатлар	Билвосита	Бевосита
7.	Сифат назорати	Билвосита	Бевосита
8.	Бинолар ва иншоотлар амортизацияси	Билвосита	Билвосита
9.	Суғурта тўловлари, солиқ ва йиғимлар	Билвосита	Билвосита
10.	Бинолар ижараси	Билвосита	Билвосита
11.	Технологик жиҳозлар амортизацияси	Билвосита	Бевосита
12.	Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш	Билвосита	Билвосита

“JIT” ҳисоб тизимининг бир қатор афзалликлари мавжуд:

Биринчидан, уни қўллаш товар-моддий захираларининг ортиқча тўпла - нишиб қолишининг олдини олади. Дж. Шим ва Дж. Сигелларнинг таъкид - лашларича, кўплаб япон компанияларида “JIT” ҳисоб тизимидан фойдаланиш захираларни шу даражада камайтириб юборганки, бунинг оқибатида бир йилда айланма маблағлар айланиши АҚШ фирмаларига нисбатан бир неча марта юқори даражага чиққан.

Масалан, “Тойота” компаниясидаги захираларнинг айланмаси 41 дан 63 мартагачани ташкил этгани ҳолда, АҚШнинг шундай компанияларида бу кўрсаткич 5 дан 8 мартагачани ташкил этган.

Иккинчидан, “JIT” ҳисоб тизимини қўллаш шароитида буюртмани бажа - риш ишончи анчагина ошади, чунки материалларни сотиб олиш ва сақлашга

жуда ҳам оз вақт кетади. Буюртмани бажариш жараёнининг қисқариши ва унинг назорати ҳам айланма маблағларнинг жиддий камайишига олиб келади.

Бундай шароитда ишлаб чиқариш графиги ва истиқболли режа бўйича ишлаб чиқариш ҳажми ҳам қисқаради. Бу бозор конъюнктурасининг ўзгаришини тезда ҳисобга олишга ва корхонага вақтдан ютишига имкон беради.

Корхонага фойдали бўлган ва бозоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришга тезкор ўтиш муносабати билан майда туркумли маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг ҳам катта мослашувчанлигига эришилади.

Учинчидан, ушбу тизимни қўллашда маҳсулот сифатининг янада яхшиланиши кузатилади. Чунки, буюртма берилган маҳсулот миқдори катта бўлмагандан кейин сифат билан боғлиқ муаммо ҳам тез ҳал бўлади ва тузатишлар зудлик билан ҳал этилади.

“ИТ” тизимининг бошқа афзалликлари қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- 1) Материаллар ва тайёр маҳсулотлар захиралари учун омборхоналарни сақлашга кетадиган капитал харажатлар камаяди;
- 2) Товар-моддий захираларнинг маънавий жиҳатдан эскириш ҳавфи камаяди;
- 3) Яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқариш туфайли зарар кўриш эҳтимоли камаяди ва қайта ишлаш харажатлари ҳам камаяди;
- 4) Сифатни ошириш ҳисобига асосий ишлаб чиқариш материаллари харажатлари камаяди.

Бошқарув ҳисобининг функционал – қиймат таҳлил усули.

Функционал-киймат таҳлил усули—бу объектни (маҳсулот, жараён) узлуксиз тадқиқ қилишнинг сифат ва фойдалилигини оширгани ҳолда уни лойиҳалаш, ишлаб чиқариш ва фойдаланиш бўйича харажатларнинг энг кичик миқдорини таъминлашга йўналтирилган усулдир.

Бу усул 1947 йилда АҚШда «Женерал электрик» компаниясида ишлаб чиқилди ва ҳозир ундан кўпгина мамлакатларда муваффақиятли фойдаланилмоқда.

Дастлаб функционал-қиймат таҳлил усулига фақат ортиқча харажатларни қидириб топиш курули деб қараб келинган. Амалиётда функционал-қиймат таҳлил усулидан самарали фойдаланиш харажатларни ўртача 20-25 фоизга пасайтиришни таъминлайди.

Функционал-қиймат таҳлил усули маҳсулот ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш харажатларни пасайтиришда қўлланиладиган одатдаги усуллардан кескин фарқ қилади, чунки, функционал-қиймат таҳлили усули масалага функционал (конкрет) ёндашувни кўзда тутди.³

Бундай ёндашувнинг моҳияти – объектни унинг муайян шаклида эмас, балки у бажариши лозим бўлган функциялар нуқтаи-назаридан қараб чиқишдан иборат.

Функционал ёндашув нафақат буюртмачиларнинг муайян эҳтиёжларини ўрганишга, балки бу эҳтиёжларни миқдор ва сифат жihatларини чуқурроқ таҳлил этишга, уларни ишлаб чиқаришга мувофиқлаштиришга мажбур қилади.

Функция - кенг маънода фаолият, мажбурият, иш, рол деган маъноларни англатади. Функционал-қиймат таҳлилида *функция* дейилганда, муносабатларнинг айна тизимида бирон-бир объект хусусиятининг ташқи томондан намоён бўлишлиги тушунилади.

Функционал қиймат таҳлилининг асосий объекти бўлиб, унинг функциялари (маҳсулотлар ва жараёнларнинг истеъмол хусусиятлари), яъни истеъмол қиймати, нафлилиги билан бу функцияларни яратишга кетган жонли ва буюмлашган меҳнат харажатлари (қиймат) ўртасидаги муносабат тушунилади.

Функционал қиймат таҳлилининг предмети бўлиб, аниқ меҳнат маҳсули (маҳсулотлар ва жараёнлар)нинг истеъмол қиймати ва қиймати ўртасидаги сабаб-оқибат алоқаси тушунилади.

³ М.Қ.Пардаев, Д.А.Зулунова Функционал қиймат таҳлили Самарақанд 2007. Маърузалар курси 23 бет.

Функциялар объектига қараб *асосий, ёрдамчи* ва кераксизларга бўлинади.

Асосий функциялар харажатларни уларнинг қиймати ва истёъмол қиймати нуқтаи назаридан таҳлил этишдан иборат.

Ёрдамчи функциялар дейилганда асосий функцияларни бажаришга ёки уларни тўлдиришга ёрдам берувчи функциялар тушунилади.

Кераксиз функциялар объектнинг асосий вазифасини бажаришга ҳамкорлик қила олмайди, аксинча, объектнинг техник жиҳатлари ва иқтисодий кўрсаткичларини ёмонлаштиради ва сифатига салбий таъсир этади.

Ўзбекистон шароитида ҳозирча бу усулга унчалик катта эътибор қаратилмаяпти, бунга сабаб:

1. Корхоналар раҳбариятининг функционал-қиймат таҳлилига етарли даражада қизиқиш билан қарамаётганлиги;

2. Кўпгина корхоналарда маркетинг хизматининг етарлича ривожланмаганлиги ва ўз функцияларини талаб даражасида бажармаётганлиги;

3. Функционал-қиймат таҳлилини ўтказиш учун молиявий маблағларнинг етишмаслиги;

4. Бу усулни қўллашга кўплаб меҳнат талаб этилиши ҳам тусқинлик қилмоқда.

Бизда бу усулни қўллаш учун алоҳида гуруҳ тузиш ва таркибига барча соҳанинг билимли, тадбиркор мутахассисларини киритиш ва уларнинг қўлига барча керакли ахборотларни тақдим этиш лозим, шундан кейингина бу усул бизда муваффақиятли қўлланилиши мумкин, деган таклифлар малакали мутахассислар томонидан ҳозирги пайтда киритилмоқда ва кўпчилик шу таклифларни маъқуллашмоқда.

Аслида функционал-қиймат таҳлили кўпгина босқичларда ўтказилади:

Биринчи, *тайёрлаш босқичидаги* таҳлил объекти — бунда харажатлар манбаи аниқланади. Бу ишлаб чиқарувчининг ресурслари чекланган бўлса, каттагина самара беради.

Жумладан, кўп микдордаги маҳсулотни ишлаб чиқаришни такомиллаштириш натижасида корхона кам микдорда ишлаб чиқариладиган бошқа қимматроқ маҳсулотга қараганда кўпроқ фойдали ишлаши мумкин.

Иккинчи, *ахборот босқичидаги* тадқиқ қилинаётган объект (вазифаси, техник-иқтисодий тавсифи) ва уни ташкил этувчи қисмлар (функциялар, материаллар, таннарх) ҳақидаги маълумотлар тўпланади.

Улар очик ахборот тармоғи бўйича корхонанинг иқтисодий бўлинмаларидан ва истеъмолчиларидан тегишли хизматларнинг раҳбарларига келиб тушади ва улар маркетинг бўлимида жамланади.

Дастлабки маълумотлар қайта ишлаб чиқилиб барча манфаатдор бўлинмалардан ўтгандан сунг, харажатлар ва сифатнинг тегишли кўрсаткичлари лойиҳа раҳбарига тақдим этилади.

Учинчи, *таҳлилий босқичидаги* маҳсулот функциясини (унинг таркиби, фойдалилик даражаси), қиймати ва иккинчи даражали фойдасиз функцияларни четлаб ўтиш йўлини камайтириш имконияти батафсил ўрганилади. Мазкур босқичда маҳсулотнинг қисмлари нафақат техник, балки таркибий, эстетик жиҳатдан ҳам таҳлил қилинади

Умуман барча функциялар қуйидагиларга:

- бош, асосий ва фойдалиларга (А)
- иккинчи даражали, ёрдамчи ва фойдалиларга (В)
- иккинчи даражали, ёрдамчи ва фойдасизларга (С) бўлинади, ёки бунини

ABC тамойили деб ҳам юритилади.

Бунда функцияларни амалга оширишда тақсимлаш жадвалидан фойдаланилади. Унга асосланиб, иккинчи даражали ва фойдасиз функциялар ҳамда харажатлар олиб ташланади .

Якуний жадвалга иккинчи даражали ёрдамчи, фойдасиз функциялар, уларнинг таркибий қисмлари киритилади, бу уларнинг зарурлиги тўғрисида дастлабки хулоса қилишга имконият беради.

Тўртинчи босқич, *тадқиқот босқичи* ҳисобланиб, унда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таклиф этилаётган вариантлари баҳоланади.

Бешинчи босқич, *хулоса ва тавсиялар босқичи* бўлиб, унда маҳсулотни ишлаб чиқариш ва такомиллаштиришнинг мазкур ишлаб чиқариш учун мақбул бўлган вариантлари ажратиб олинади.

ФҚТнинг энг сўнгги босқичи, иктисодий таҳлил натижаларини амалиётга қўллаш ҳисобланади. Бунда:

- муайян маҳсулотнинг тажриба намуналарини тайёрлаш учун чизмалар ишлаб чиқиш;

- маҳсул мослама ва асбоб-ускуналарни тайёрлаш ҳамда лойиҳалаштириш;

- тажриба нусхаларини тайёрлаш ва синовдан ўтказиш;

- конструкцияларни ўзгартириш учун техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

- буюртмачи, муаллиф ва ихтирочилар билан амалиётдаги ўзгаришларни келишиб олишлар ҳал этилади.

Хулоса қилганимизда, функционал-қиймат таҳлилини ўтказиш маҳсулот сифатини бошқаришнинг муҳим кууроли сифатида фойдали ва самарали бўлиб, у маҳсулотнинг бирлигига сарфланган харажатларни камайтиришга, маҳсулотнинг истеъмол хусусиятлари ва сифатини яхшилашга, унинг техник ўлчамларини функционал зарурий даражасигача кўтаришга хизмат қилади.

2.2. “Қашқадарё пармалаш ишлари” ОАЖда ишлаб чиқариш таннархининг таҳлили ва уни амалга оширишда ахборот манбалари.

Маҳсулот таннархи корхона молия хўжалик фаолиятининг ҳамма томонларини акс эттирувчи кўрсаткичлардир. Шу туфайли ишлаб чиқариш харажатларини тўғри ҳисобга олиб, маҳсулот таннархини калькуляция ва таҳлил қилиш бошқарув ҳисоби ҳамда молиявий ва бошқа таҳлилининг муҳим вазифаларидан биридир.

Бугунги кунда корхона фаолиятининг муҳим ва унга баҳо берадиган мезон кўрсаткичларидан бири, фойда ва рентабелликдир. Фойдага таъсир этувчи омил бу таннархдир.

Маҳсулот таннархи — шу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун кетган барча бевосита ва билвосита харажатларнинг қиймат ифодасидир.

Бугунги кунда амалда бўлган Низомга мувофиқ маҳсулот (иш, хизмат)ни ишлаб чиқариш харажатлари таркибига кирадиган моддалар сирасига ўзгаришлар киритилган. *Маҳсулот таннархига киритиладиган харажатлар таркибини аниқлашдан мақсад:*

1. Бухгалтерия ҳисоби счётида жами харажатлар тўғрисида тўлиқ ва аниқ маълумотларга эга бўлиш, корхона фаолиятининг рентабеллиги ва бозор иқтисодиёти шароитида рақобатбардошлилигини аниқлаш.

2. Маҳсулот (иш, хизмат) лар таннархини аниқ ҳисоб-китоб қилиш.

3. Маҳсулот таннархига киритилмайдиган харажатларни алоҳида таркиблаш ва уларни молиявий натижавийликка боғлаш.

4. Ишлаб чиқариш харажатларининг юзага чиқиши ва жавобгарлик марказлари бўйича ҳисобга олиш ва назорат қишш.

5. Солиқ тўланадиган базанинг аниқ ҳисоб-китобини юритиш ва бу орқали ишлаб чиқариш харажатлари ҳамда корхона сарфларини бошқаришни ташкил этишдан иборатдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқараётган маҳсулотлари таннархини таҳлил қилишда бошқарув таҳлилининг энг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- ишлаб чиқариш харажатларини ўрганиш ва уларнинг ҳолатига баҳо бериш;
- маҳсулот таннархини пасайтириш бўйича белгиланган режанинг бажарилиши ва динамикасини назорат қилиш;
- ишлаб чиқариш харажатларининг иқтисодий элементи ва калькуляцион моддалари бўйича ўрганиш ва уларга баҳо бериш;
- меҳнат унумдорлиги билан иш ҳақи харажатлари ўртасидаги нисбатни ўрганиш;
- таннархнинг ўзгариш сабабларини аниқлаш ва унга таъсир этувчи омилларни миқдор жиҳатидан ҳисоблаш;
- айрим турдаги маҳсулот таннархини харажат моддалари бўйича таҳлил этиш;
- таннархни пасайтириш бўйича мавжуд имкониятларни аниқлаш ва хоказо.

“Маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархига киритиладиган, маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш ҳақида”ги Низомга мувофиқ ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишнинг умумийлиги таъминланган. Бунинг якунида маҳсулот (иш, хизмат) ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини режалаштириш, таҳлил этиш ва назорат қилишга имконият туғилади.

Мазкур Низом бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш мақсадларида харажатларни ҳисоблаш тартибларидаги фарқланишларини ҳисобга олиб, ишлаб чиқилган. Бошқарув ҳисоби ва бошқарув таҳлилининг асосий мақсади хўжалик юритувчи субъектларнинг бозор иқтисодиёти шароитларида рақобатга бардошлигини аниқлашдир.

Низомда бухгалтерия ҳисоби бўйича фойда билан солиққа тортиладиган фойда ўртасидаги тафовутларга изоҳ берилган.

Солиққа тортиладиган фойда бухгалтерия ҳисобидаги фойдадан фарқ қилишининг сабаби шундаки, давлат солиқ сиёсатида мувофиқ амалдаги солиқ Қонунчилиги бўйича корхона харажатларининг бир қисми солиққа тортиладиган базага кирмайди. Низомда молиявий натижаларни шакллантиришнинг асосий қоидалари ва харажатларни гуруҳлаш берилган. Биринчи иловада корхона ҳисобот давридаги баланс фойдасини ҳисоблашда чегириладиган, лекин хўжалик субъектининг солиққа тортиладиган базасига қўшиладиган харажат моддалари берилган. Иккинчи иловада харажатлар амалга оширилиши пайтида солиққа тортиладиган базадан чегирилмайдиган, лекин кейинги даврларда чегириладиган харажатлар рўйхати берилган (вақт бўйича фарқланишлар).

Учинчи иловада фойдаси эмас, даромади солиққа тортилаётган корхоналар учун қўшимча чегирилмайдиган харажатлар рўйхати берилган.

Бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектларнинг маҳсулотлари таннархини таҳлил қилишда бошқарув таҳлилининг асосий ахборот манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- хўжалик субъектларининг бизнес- режа маълумотлари;
- 5-С “Корхона сарф-харажатлари тўғрисида”ги ҳисоботи маълумотлари;
- I-Т “Меҳнат ҳисоботи” маълумотлари;

• бухгалтерия ҳисобининг ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиб боровчи счёт маълумотлари ва бошқа турдаги қўшимча маълумотлар.

Харажатларни туркумлаш. Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш харажатлари, “ўзгарувчан” ва “ўзгармас” харажатлар.

Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш таннархи ишлаб чиқариш ёки қайта ишлаш жараёнида ишлатилган табиий ресурслар, хомашё, материаллар, ёқилғи, энергия, асосий воситалар (амортизация), меҳнат ресурслари

ва бошқа ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларнинг киймат кўринишини ифода этади.

Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига ишлаб чиқаришни ташкил қилиш услуги ва технологияси билан белгиланган маҳсулотни ишлаб чиқариш (иш, хизматлар бажариш) билан бевосита боғлиқ харажатлар киритилади. Буларга: бевосита ва билвосита молдий харажатлар, бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари, ишлаб чиқариш йўналишидаги устама харажатлар ҳамда бошқа бевосита ва билвосита харажатлар киради.

Ишлаб чиқаришнинг моддий харажатлари таркибига қуйидагилар киради:

- ташқаридан сотиб олинган ишлаб чиқариладиган маҳсулот таркибига кириб, унинг асосини ташкил этадиган ёки маҳсулот тайёрлашда (иш бажаришда, хизмат кўрсатишда) зарур компонент ҳисобланадиган хом ашё ва материаллар;

- маҳсулотни ўраш ҳамда бошқа ишлаб чиқариш заруриятлари учун сотиб олинган материаллар, таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар, мосламалар ва бошқа меҳнат буюмлари;

- технологик мақсадлар, биноларни иситиш, барча турдаги энергияни ишлаб чиқариш учун сарфланадиган, четдан сотиб олинган ёқилғининг ҳамма турлари;

- корхонанинг технологик, транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш, шу -нингдек, хўжалик заруриятларига сарфланадиган, сотиб олинган барча турдаги энергия;

- табiiй камайишининг меъёр чегарасидаги моддий ресурсларнинг камомади ва бузилишларидан йўқотишлар.

Ишлаб чиқаришдаги меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларига қуйидаги харажатлар киради:

- корхонада қабул қилинган меҳнатга ҳақ тўлаш шакл ва тизимларига мувофиқ ишбай ҳақлари, тариф ставкалари ва мансаб окладлари асосида

ҳақиқий бажарилган ишлар учун ишлаб чиқаришдаги ҳисобланган иш ҳақи;

-натура шаклида ҳақ тўлаш тартиби бўйича бериладиган маҳсулот қий -
мати;

-амалдаги тартибларга кўра рағбатлантирувчи тўловлар, жумладан, иш -
лаб чиқариш натижалари учун мукофотлар (натурал мукофотларни қўшган
ҳолда) таъриф ставкалари ва окладларга касб маҳорати учун қўшимча
устама тўловлар, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, кўп йиллик хизматлари
учун (шу ҳўжаликда бир ихтисосликдаги иш стажи учун) ишлаб чиқариш
ҳодимларига бериладиган тақдирланишлар, мукофотлар, касб маҳорати учун
таъриф ставкалар ва окладларга нисбатан) устама тўловлар, ҳаракатдаги
қонунчиликка мувофиқ кўп йиллик хизматлари учун ишлаб чиқариш
ҳодимларига бериладиган тақдирлашлар;

-иш режими ва меҳнат шароитлари билан боғлиқ товон тўловлари,
жумладан, тунги иш вақти, иш вақтидан сўнгги иш учун тўловлар.

*Амалдаги Низомга мувофиқ ҳўжалик юритувчи субъектларнинг барча
ҳаражатлари қўидаги гуруҳларга ажратилади:*

Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига қўшиладиган ҳаражатлар:

1.Ишлаб чиқариш таннархига қўшилмайдиган ҳаражатлар, аммо давр
ҳаражатларига қўшиладиган ҳаражатлар (асосий фаолиятдан кўрилган
фойдани аниқлаш учун).

2.Корхонанинг умумҳўжалик фаолиятидан кўрган фойда ёки зарарини
аниқлашда ҳисобга олинадиган молиявий фаолият ҳаражатлари.

3.Фавкулдда зарар (солиқ тўлашга қадар аниқланадиган фойдани
ҳисоблашда иштирок этадиган).

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳаражатларини юқоридаги таркиб
бўйича гуруҳланганда, ҳар бир гуруҳ, ҳаражатлари қўидагича туркумланади:

1.Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига қўшиладиган харажатлар қуйидагича туркумланади:

- а) бевосита ва билвосита моддий харажатлар;
- б) бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари;
- в) ишлаб чиқаришдаги маъмурий харажатлар.

2. Давр харажатлари қуйидагича туркумланади:

- а) сотиш бўйича харажатлар;
- б) бошқарув харажатлари;
- в) бошқа муомала харажатлари ва зарарлар.

3. Молиявий фаолият бўйича харажатлар қуйидагича туркумланади:

- а) фоизлар бўйича сарфлар;
- б) чет эл валютаси курси ўзгаришидан кўрилган зарар;
- в) кимматли коғозларга қуйилган маблағларни қайта баҳолашдан кўрилган зарар;
- г) молиявий фаолият бўйича бошқа сарф-харажатлар.

4. Фавқулотда зарарлар одатда туркумланмайди.

Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш харажатлари.

Маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларга ишлаб чиқариш харажатлари деб аталади. Уларга қуйидагилар киради:

- материал харажатлари;
- меҳнат ҳақи харажатлари;
- ишлаб чиқариш билан боғлиқ маъмурий харажатлар.

Бевосита материал харажатлари меҳнат ҳақи билан биргаликда дастлабки харажатларни ташкил этади.

Меҳнат ҳақи ва ишлаб чиқариш характеридаги маъмурий бошқарув харажатлари биргаликда конверсия харажатларини ташкил этади.

Материал харажатлари конверсия харажатлари билан биргаликда тўлиқ ишлаб чиқариш таннархини ташкил этади.

Ноишлаб чиқарни харажатлари. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган барча харажатларга ноишлаб чиқариш харажатлари деб аталади. Улар таркибига сотиш билан боғлиқ харажатлар, илмий текшириш ва тадқиқот харажатлари, умумий ва маъмурий бошқарув харажатлари, бошқарув харажатлари, олинган кредит учун фоиз тўловлари ва бошқа ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатлар киритилади.

Маҳсулот таннархини умумлаштирувчи кўрсаткичлар қуйидагиларни ташкил этади.

- 1.Бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажат.
- 2.Таққосланадиган маҳсулот таннархи.
- 3.Маҳсулот бирлигининг таннархи.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятидаги харажатларни юқоридаги кўринишда туркумлаш билан бир қаторда яна қуйидаги хусусиятлари бўйича ҳам таснифлаб чиқишимиз мумкин.

Юзага чиқиш шаклига кўра:

- асосий ишлаб чиқариш харажатлари;
- молиявий фаолият бўйича харажатлар;
- тасодифий, фавқулоддаги харажатлар.

Маҳсулот таннархига қўшилишига кўра:

- маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар;
- маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган харажатлар.

Юзага чиқиш ўрни бўйича:

- бўлим бўйича қилинган харажатлар;
- цех бўйича қилинган харажатлар;
- участка бўйича қилинган харажатлар ва хоказо.

Сотиш ҳажмига ҳисобдан чиқарилишига кўра:

- маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари;
- давр харажатлари.

Даврига кўра:

- жорий давр харажатлари;
- келгуси давр харажатлари.

Солиққа тортиладиган фойда суммасини аниқлашда ҳисобга олинишига кўра:

- солиққа тортиладиган базага қайта қўшиладиган доимий тафовутлар;
- солиққа тортиладиган базага қўшиладиган даври бўйича тафовутлар;
- солиққа тортиладиган базани аниқлашда ҳисобга олинмайдиган харажатлар.

Маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига мувофиқ:

- ўзгарувчан харажатлар;
- ўзгармас харажатлар.

Маҳсулот таннархига қўшилишига қараб:

- тўғри харажатлар (бевосита);
- эгри харажатлар (билвосита).

Молиявий натижаларга дахлсизлиги бўйича:

- маҳсулот таннархига қўшиладиган харажатлар;
- фойда ҳисобидан қопланадиган харажатлар.

Таҳлил этишда ўрганиш объекти ва мақсадидан келиб чиққан корхона харажатларининг у ёки бу туркуми бўйича ўзгаришлар ва сабабларига баҳо берилади. Таққослаш ёки қиёсий ўрганишда жорий давр ва ўтган йил маълумотлари, бизнес режа кўрсаткичлари, ўртача кўрсаткичлар ва тармоқ бўйича бошқа маълумотлар олинади. Таққослашда кўрсаткичлар бўйича мутлоқ ўзгаришлар нисбий кўрсаткичларни қўллаш орқали тўлдирилади.

1 сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажатлар таҳлили

Маҳсулот таннархини ифодаловчи кўрсаткичлардан энг муҳими, бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажатдир. Бу кўрсаткич тийин ҳисобида қуйидагича аниқланади:

1 сўмлик товар маҳсулоти
учун қилинган харажатлар=

Ишлаб чиқариш таннархи
Товар маҳсулотининг улгуржи баҳоси

Бу кўрсаткич орқали қилинган харажатларнинг самарадорлигини аниқлаш мумкин.

Таҳлил этишда бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажатлар динамикаси, бизнес режага нисбатан ўзгариши аниқланади.

Харажатларнинг иқтисодий элемента ва калькуляцион моддалари бўйича таҳлили. Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва таҳлил этишнинг услубий ва меъёрий шакли Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 5 февралда тасдиқланган 54-сонли “Маҳсулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизмат)лар ишлаб чиқариш таннари, маҳсулот (иш бажариш ва хизмат кўрсатиш) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ва молиявий натижаларнинг шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом билан белгиланади.

Саноат корхоналари ишлаб чиқариш харажатларини ривожлантириш мақсадида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида унинг йўналишлари бўйича гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқдир:

1.Харажатларнинг иқтисодий элементлари бўйича.

2.Харажатларнинг калькуляцион моддалари бўйича.

Қашқадарё “Пармалаш ишлари” ОАЖнинг 2008 йил 3- чоракдаги харажатлари таркибини таҳлил қилиш учун 2.2- жадвал маълумотларидан фойдаланамиз. Жадвалдан кўрини турибдики, 2008 йилнинг 3- чорагида Қашқадарё “Пармалаш ишлари” ОАЖда жами ишлаб чиқариш харажатлари 28112895 минг сўмни ташкил этган бўлса, шундан материал харажатлар 85,2 фоизни, яъни 23954211 минг сўмни ташкил этган. Меҳнат ҳақи харажатлари 9,1 фоизни, яъни 2557744 минг сўмни ташкил этган. Амортизация ажрамаси жами харажатларнинг 2,2 фоизни, яъни 623761 минг сўмни ташкил этган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фаолиятнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб ишлаб чиқариш харажатларнинг жуда катта қисмини, 85,2 фоизини яъни материал харажатлар ташкил қилган.

2.2—жадвал

Қашқадарё “Пармалаш ишлари” ОАЖнинг 2008 йил 3- чорақтаги харажатлари таркиби таҳлили

Минг сўмда

Кўрсаткичлар	I.Ишлаб чиқариш таннархи			II.Давр харажатлари			III.ж.		Ҳаммаси
	Ёрдамчи и/ч	ишлаштиш харажат- лари	Жами	Маъму-рий хўж. харажат- лари	Бошқарув харажат- лари	Жами давр харажат- лари	Қишлоқ хўжалиги	Молия- вий харажат лар	
I. Тушум	-	37533680	37533680	-	1291573	1291573	-	47	38825300
II.Харажатлар	1064615	27048280	28112895	578661	3722463	4301124	280780	1	32414020
	100	100	100	100	100	100	100	100	100
II.1.Материал харажатлар	276354	23677857	23954211	290027	0	290027	265006	0	24244238
Материал харажатларнинг жамига нисбатан улуши	25,9	87,5	85,2	50,1	0	6,7	94,4	0	74,8
II.2. Меҳнат ҳақи харажатлари	514664	2043080	2557744	226249	1733992	1360246	13359	0	3917990
Меҳнат ҳақи харажатларининг жамига нисбатан улуши	4,8	7,6	9,1	39	30,5	31,6	4,8	0	12,1
II.3.Иш ҳақини ҳисоблашда ҳисобга олинмайдиган тўловлар	-	-	-	-	203684	203684	-	-	203684
Иш ҳақини ҳисоблашда ҳисобга олинмайдиган тўловларнинг жамига нисбатан улуши	-	-	--	-	5,5	4,7			0,6
II.4. Ягона ижтимоий солиқ 24%	116819	457678	574447	37741	279170	316911	2411	-	891408
Ягона ижтимоий солиқнинг жамига нисбатан улуши	1,6	1,7	2,04	6,5	7,5	7,4	0,9	-	2,8
II.5.Амортизация ажрамаси	47969	575792	623761	9209	-	9209	-	-	632970
Амортизация ажрамасининг жамига нисбатан улуши	4,5	2,1	2,2	1,6	-	0,2	-	-	1,9
II.6. Бошқа харажатлар жами	108809	293873	42682	15435	2105612	2121047	-	1	2523730
Бошқа харажатларнинг жамига нисбатан улуши	10,2	1.1	0,2	2,7	56,6	49,3	-	-	8

“Қашқадарё пармалаш ишлари” ОАЖ нинг 2007-2008 йиллар давомидаги техник-иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш учун 2.3- жадвал маълумотларидан фойдаланамиз. Жадвалдан кўриниб турибдики, “Қашқадарё пармалаш ишлари” ОАЖда

2008 йилда ҳаммаси бўлиб 44033 п.м. проходка ишлар бажарилган бўлиб, режа 31,3 фоизга ошириб бажарилган. Ўтган йилга нисбатан бу кўрсаткич 0,3фоиз, яъни 131 п.м. ортиқча бажарилган. Кўрсаткичлар ва иш турлари бўйича таҳлиллар шуни кўрсатадики, ОАЖда Станко-ой режага нисбатан 1,5 фоиз ортиғи билан бажарилган бўлса, ўтган йилга нисбатан 3 фоизга бажарилмаган.

Тижорат тезлиги режаси 1,5 фоизга бажарилмай қолган бўлса, ўтган йилга нисбатан 3,2 фоизга ошиғи билан бажарилган.

Механик тезлик ва Рейс тезлиги режалари 100 фоиз ажарилган.

Қурилиши тугалланган кудуқлар сони 2007 йилда 17 бўлиб, 2008 йилда уларнинг сони 4 тага қисқарган , яъни 2008 йилда Қурилиши тугалланган кудуқлар сони 13 тани ташкил этган.

Бажарилган капитал қўйилмалар 2008 йилда 44851,3 млн. Сўмни ташкил этиб, бу режани 13,2 фоизга кам бажарилгани ва 2007 йилга нисбатан бу кўрсаткич 18,4 фоизга капитал қўйилмаларни ошганлигини англатади.

Бу асосан қидирув изланиш бурғулаш ишлари эмас, балки ишлатиш бурғулаш ишлари ҳисобига амалга оширилган.

Соф фойда режаси 100 фоизга бажарилган бўлиб, 2007 йилга нисбатан 140,2 фоиз соф фойдани ошганлигини кўришимиз мумкин.

Рентабеллик даражаси ҳам режага нисбатан 100 фоиз бажарилган бўлиб, ўтган йилга нисбатан 4, 7 фоиз ошганлигини кўриш мумкин.

Ишчилар сони режага нисбатан 12,6 фоизга ўсган, ўтган йилга нисбатан 3, 3 фоизга ўсган , аммо ўртача ойлик иш ҳақи режага нисбатан 44, 2фоиз га камайган , ўтган йилга нисбатан 7, 5 фоизга ошганлигини рақамлар кўрсатиб турибди.

2.3- жадвал

“Қашқадарё пармалаш ишлари” ОАЖ нинг 2007-2008 йиллар давомидаги техник-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили

№	Кўрсаткичлар номлари	Ўлчов бирли	Январь-декабрь				2007 йилга нисбатан	
			2007 йил	2008 йил			ўзгариш	
			Ҳақи-қатан	Режа	Ҳақи-қатан	%	%	+, -
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1	Проходка- хаммаси	п.м.	43902	43900	44033	131,3	100,3	131
	- Қидирув изланиш бурғулари	п.м.						
	- Ишлатиш бурғулари	п м						
2	Станко-ой-хаммаси	ст.ой.	108,51	103,81	105,33	101,5	97,07	-3,18
	- Қидирув изланиш бурғулари	ст.ой.						
	- Ишлатиш бурғулари	ст.ой.						
3	Тижорат тезлиги- хаммаси	м/ст.ой	405	424	418	98,58	103,2	13
	- Қидирув изланиш бурғулари	м/ст.ой						
	- Ишлатиш бурғулари	м/ст.ой						
4	Механик тезлик хаммаси	м/соат	1,7		1,7		100	0
5	Рейс тезлиги хаммаси	м/соат	1,4		1,4		100	0
6	Қурилиши тугалланган қудуқлар сони	СКВ.	17		13		76,47	-4
	- Қидирув изланиш бурғулари	СКВ.						
	- Ишлатиш бурғулари	СКВ.						
	Бурғулашнинг жами календар вақти.	соат	78128		75838		97,07	-2290
			100		100			
	Проходка- хаммаси	соат	32104		32488		101,2	384
		%%	41,1		42,8			

	Долбления учун сарфланган вақт	соат	26558		2635S		99,25	-200
		%%	34		34,8			
	СПО учун сарфланган вақт	соат	5546		6130		110,5	584
		%%	7,1		8,1			
	Мустаҳкамлаш	соат	12911		11103		86	-1808
		%%	16,5		14,6			
	Ёрдамчи ишлаб чиқариш ишлари	соат	18262		17659		96,7	-603
		%%	23,4		23,4			
	Таъмир ишлари	соат	6138		6195		100,9	57
		%%	7,9		8,2			
	Геологик юмшатиш ишлари	соат	2140		788		36,82	-1352
		%%	2,7		1			
	Жами ишлаб чиқариш вақти	соат	71555		68233		95,36	-3322
			91,6		90			
	Аварии	соат						
		%%						
	Бўш туриб қолиш	соат	8573		7805		115,7	1032
		%%	8,4		9,0			
7	Бажарилган капитал қўйилмалар-хаммаси	млн.с.	37883,9	51782	44851,3	86,82	118,4	6961,4
	-Қидирув изланиш бурғулари	млн.с.						0
	- Ишлатиш бурғулари	млн.с.	37889,9	51782	44851,3	86,62	118,4	6961,4
8	Баланс фойдаси	млн.с.	1551,6	2239	2239	100	144,3	687,4
	Соф фойда	млн.с.	1109,2	1555	1555	100	140,2	445,8
	Рентабеллик даражаси	%	4,3	4,5	4,5	100	104,7	0,2
	Меҳнат ҳақи фонди	млн.с.	4687,8	8279	5204	62,86	111	516,2
	Ишчилар сони	ед	546	501	564	112,6	103,3	18
	Ўртача ойлик иш ҳақи	минг.с	715,5	1377.1	768.9	55,83	107,5	53,4

2.4—жадвал

Ишлаб чиқариш харажатларининг иқтисодий элементлари ва моддалари бўйича туркумлиниши

Иқтисодий элементлари	Калькуляцион моддалари бўйича
1	2
Ишлаб чиқариш	Хомашё
	Ёқилги
	Электр қуввати
	Эҳтиёт қисмлар
	Идишлар ва ҳақозо
Ишлаб чиқариш характеридаги	Асосий иш ҳақлари
	Қўшимча иш ҳақлари
	Иш ҳақиға устамалар
Ишлаб чиқаришга тааллуқли	Ижтимоий таъминот булимига
	Меҳнат биржасига
	Касаба уюшмасига
Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси,	Асосий воситаларнинг эскириши
	Номоддий активларнинг эскириши
	Асосий восита ва номоддий
Ишлаб чиқариш характеридаги бошқа харажатлар	Турли ишлар ва хизматлар
	Солиқлар, йиғимлар ва ҳақозо.

Харажатларнинг элемент бўйича гуруҳларга ажратишдан мақсад улар - нинг структураси ва динамикасини назорат қилишдан иборат.

Кўрсаткичларни таққослаш орқали жонли меҳнат билан бошқа харажат турларининг нисбати, ишлаб чиқариш захираларини меъёрлаштириш ва таҳлил этиш, оборот маблағларининг тезлигини аниқлаш ва миллий даромадни ҳисоблаш имконияти туғилади.

Харажатларнинг элементлари бўйича таҳлил натижаларига мувофиқ материал сиғими, меҳнат сиғими ва фонд сиғими даражалари бўйича тан-нархни пасайтириш имкониятларини аниқлаш мумкин.

Таҳлил этишда жами харажатдаги ҳар бир элементнинг тутган салмоғи аниқланиб, ўтган йилдагиси ҳамда сметадаги кўрсаткичлар билан такқосланиб, уларнинг ўзгариш сабаблари аниқланади.

Маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар таркибини иқтисодий элементлари ва моддалари бўйича қуйидаги таркибда бериш мумкин.

Ишлаб чиқариш харажатларини иқтисодий элементлари ва калькуляция моддалари бўйича ўрганиш қуйидагича фарқланади, яъни, бўлимлар ва корхона бўйича жами харажатлар фақат иқтисодий элементлари бўйича ўрганилади, Маҳсулотлар тури ва туркуми бўйича эса, ишлаб чиқариш харажатлари калькуляция моддалари асосида кўриб чиқилади. Таҳлил қилишда ишлаб чиқариш харажатларининг жами таркиби бўйича ўзгариш лари мутлоқ ва нисбий жиҳатдан ўрганилади. Нисбий жиҳатдан ўрганишда ҳар бир туркум харажат моддаси ёки элементининг жами ишлаб чиқариш харажатлари таркибидаги салмоғига баҳо берилади.

Ишлаб чиқаришдаги меҳнатга харажатларининг таҳлили.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир корхонанинг мақсадларини амалга оширишида асосий омил жонли инсон, яъни, корхона ходими туради. Корхона ходимларининг моддий ва маънавий манфаатдорлиги эса иш самарадорлигини оширишга олиб келади.

Истеъмол фонди харажатлари деганда корхонада банд бўлган ходимлар ва улар номидан тўланадиган харажатлар тушунилади. Бунга, меҳнат ҳақ, хўш ҳолат сифатида ҳисобланадиган ва тўланадиган харажатлар, тўловлар, рағбатлантиришлар киритилади. Ходимлар номидан тўланадиган тўловлар таркибига уларнинг ишга қатнаши ва овқатланиши билан боғлиқ бўлган

харажатлар, кийим-кечаклар, коммунал хизмат ва уй-жой учун тўловлар, уларни ўқитиш билан боғлиқ ва бошқа шу каби тўловлар киритилади.

Меҳнат ҳақи- бу жамият куламида миллий даромаднинг ишчилар ва хизматчилар ўртасида улар меҳнатининг миқдори ва сифатига мувофиқ, тақсимланадиган ҳамда шахсий истеъмоли мақсадлари учун фойдаланиладиган қисмидир. Корхона меҳнатга ҳақ тўлашдан меҳнат унумдорлигини оширишни, фан техника тараққиётини жадаллаштиришни, маҳсулот сифатини яхшилаш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни энг муҳим воситаси сифатида фойдаланилади. Иш ҳақини ташкил этиш ва уларни шакллантиришдан асосий мақсад барча ходимларни иш ҳақи якка ва коллектив меҳнат натижаларига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлишига эришишдан меҳнатга ҳақ тўлашга бир текисда ҳақ тўлаш элементларини бартараф этишдан иборат.

Корхонада меҳнат ҳақи харажатларини таҳлил этишда меҳнат ҳақи фондининг режа ва ўтган йилларга нисбатан ўзгариши ва ўзгариш сабабларига, бир ходимга турри келадиган ўртача меҳнат ҳақи фонди ҳамда унинг ўзгаришига баҳо берилади. Меҳнат ҳақи фондининг шаклланиши ва унинг берилиши давлат ташкилотлари томонидан тартибга солиб турилади ва назорат қилинади. Бу бевосита кредит ташкилоти ҳисобланган банк тизими ва унинг бўлимлари.

«Кўкдумалоқ» майдонида жойлашган 296, 414, 415, 417 ишлатиш қудуқлари қурилиши қийматини лойиҳа маълумотлари бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, қудуқларнинг лойиҳавий чуқурлиги 3050 м, бурғилаш усули роторли, бурғи Уралмаш-4Э ускунасида амалга оширилади, бурғилашнинг лойиҳавий тезлиги 900 м/ст.ой, Ишлаб чиқариш цикли давомийлиги 162.7/150,8 сутка бўлиб, шундан юқори ускуна қурилиши учун 49,2 / 37,8 сутка, бурғилаш ишлари бўйича тайёргарлик учун 4 сутка, қазиш ва мустаҳкамлаш учун 101 сутка ва фойдаланиш колоннасида фойдаланиш учун 8 сутка вақт мўлжалланган.

Харажатлар таркибини таҳлил қилиш мақсадида Кўкдумалоқ майдонида жойлашган 296 ишлатиш қудуғининг йиғма ҳисоб-китоби маълумотларидан фойдаланамиз (2.5 – жадвал). Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, *(бошланғич монтаж)* қудуқнинг қиймати (жорий баҳолаш бўйича) 4794090 минг сўм бўлиб, шундан иш ҳақи харажатлари 38960минг сўмни, яъни 8,1 фоизни ташкил этган. Бу харажатлар ичида энг катта салмоқ IX бўлинма бўйича харажатларга тўғри келади. Бу харажатлар жамига нисбатан 41, 9 фоизни ташкил этган.

**«Кўкдумалоқ» майдонида жойлашган 296, 414, 415, 417 ишлатиш
қудуқлари қурилиши қиймати.**

Лойиҳа маълумотлари

Қудуқнинг лойиҳавий чуқурлиги	- 3050 м
Бурғилаш усули	- роторли
Бурғи ускунаси	- Уралмаш-4Э
Бурғилашнинг лойиҳавий тезлиги	- 900 м/ст.ой
Ишлаб чиқариш цикли давомийлиги	- 162.7/150,8 сут
Юқори ускуна қурилиши	- 49,2 / 37,8 сут
Бурғилаш ишлари бўйича тайёргарлик	- 4 сутка
Қазиш ва мустаҳкамлаш	- 101 сут
Фойдаланиш колоннасидан фойдаланиш	- 8 сут
Қудуқ конструкцияси:	
Шахта йўналиши	Ø 530 мм х 7 м
Узайтирилган йўналиш	Ø 426 мм х 100 м
Кондуктор	Ø 323,9 мм х 350 м
I – оралик колонна	Ø 244,5 мм х 2285 м
II-оралик колонна	Ø 143,7 мм х 2185 м
Ишлатиш колоннаси	Ø 168,3 /139,7 мм х
2135-3050м	

2.5 - жадвал

**Кўкдумалоқ майдонида жойлашган 296 ишлатиш қудуғининг
йиғма ҳисоб-китоби.**

(бошлангич монтаж)

Жорий баҳолаш бўйича

минг сўмда


т/р	Ишлар ва харажатлар номлари	Бевосита харажатлар		Шундан иш ҳақи харажати	
		сумма	Салмоғи %	сумма	Салмоғи %
1	2	3	4	5	6
	I бўлинма. Қудуқ қурилиши тайёргарлик ишлари				
1.1	Майдонлар, ўтиш йўллари трубоўтказмалар тайёргарлиги	2478	91,2	141	65,6
1.2	Трубоўтказмалар йиғиш ишлари	239	8,8	74	34,4

2.5 – жадвалнинг давоми

1	2	3	4	5	6
	I бўлинма бўйича жами	2717	100	215	100
	Материаллар қайтими 753 м.с				
	II бўлинма. Кўтармалар, юқори кўтармалар қурилмалар, бурғи ускуналарининг бузи, монтаж ва қайта монтаж ишлари				
2.1	Қурилиш ва монтаж	87349	89,4	3714	77,1
2.2	Бузиш ва қайта монтаж	7372	10,6	1102	22,9
	II бўлинма бўйича жами	97721	100	4816	100
	Материаллар қайтими 32341 м.с				
	III бўлинма. Қудукларни бурғиладш ва мустаҳкамлаш қудукларини бурғиладш				
3.1	Қудукларни бурғиладш	864061	61,7	17632	56,7
3.2	Қудукларни мустаҳкамлаш	537019	38,3	13438	43,3
	III бўлинма бўйича жами	1401080	100	31070	100
	IV бўлинма. Қудукларни ишлатиш				
4.1	Қудукларни ўзлаштириш	14030	100	2389	100
	IV бўлинма бўйича жами	14030	100	2389	100
	V бўлинма. Қудукларни бурғиладшнинг геофизикавий ишлари				
5.1	Қудукларни мустаҳкамлашнинг геофизикавий ишлар (14,96% III бўлинма жамига нисбатан)	209602			
5.2	Қудукларни ишлатишнинг геофизикавий ишлар (14,96% I V бўлинма жамига нисбатан)	2099			
	V бўлинма бўйича жами	211701			
	VI бўлинма. Қишки мавсумда қудукларни қурилиши бўйича қўшимча ишлар				
6.1	Қишки мавсумда қуриш ва монтаж ишлари бўйича қўшимча харажатлар (0,24% I-II бўлинмалар жами нисб.)	234			
	I-VI бўлинмалар жами	1724483		38490	
	VII-бўлинма. Билвосита харажатлар				
7.1	I- II, VI бўлинмалар бевосита харажатлари жамига нисбатан билвосита харажатлар (22,5%)	340376			
	VIII-бўлинма. Режа бўйича жамғарма.				
8.1	I- IV, VI ва VII бўлинмалар бўйича режали жамғарма (25%)	463290			
	I-VIII бўлинмалар жами	2528149		38490	
	IX бўлинма. Бошқа и шва харажатлар.				
9.1	Атроф муҳит муҳофазаси, мукофот, чул сувсиз зоналарда ишлар учун тўловлар, стажига тулов (1,7%), премия тўлови (3%), ойлик маошга 30 % устама, транспорт-тировкаси, алоқа хизматлари, ва бошқалар.	2006916		470	
	IX бўлинма бўйича жами	2006916	41,9	470	
	X бўлинма. Лойиҳа ва қидирув ишлари				
10.1	Лойиҳа ишлари	21133	66,7		
10.2	Қидирув ишлари	-			
10.3	Муаллиф надзори (50 % лойиҳа ишидан)	10562	33,3		
	X бўлинма бўйича жами	31700	100		
	I-X бўлинма бўйича жами	4434328			
	XI бўлинма. Қўтилмаган ишлар ва харажатлар учун захира (I-X бўлинмалар жамидан 5%)				

2.5 – жадвалнинг давоми

1	2	3	4	5	6
11.1	Кўтилмаган ишлар ва харажатлар учун захира (I-X бўлинмалар жамидан 5%)	221716	99,2		
11.2	Экологик экспертиза учун харажатлар	1777	0,8		
	XI бўлинма бўйича жами	223493	100		
	Жами йиғма ҳисоб китоб бўйича	4794090		38960	8,1
	Материаллар қайtimi				



2.1-расм Бурғилашнинг схематик кўриниши

Мамлакатимзда ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурининг конкрет бўлимлари — белгиланган комплекс чора-тадбирларнинг асосий вазифаларини ҳал этишга қаратилган.

Муҳтарам юртбошимиз ўз асарида “...қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш. Шу мақсадда 2008 йили хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодиётимиздаги етакчи тармоқ ва соҳаларда маҳсулот таннархини камида 20 фоиз туширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш борасидаги таклифлари маъқулланганини” қайд этилган.⁴

Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароити шуни тақоза этмоқдаки, Хўжалик субъектлари имкон қадар харажатларни қисқартириб, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиши лозим. 2.6 — жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, “Қашқадарё пармалаш ишлари” ОАЖда 2009 йилда таннархни қисқартириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Хусусан, ишлаб чиқариш жараёнининг техно-логик жараёнини мақбуллаштириш харажатлар бўйича 2, 6 фоизга, ишлаб чиқаришнинг материал ва энергия сиғими импорт қилинувчи моддий техника ресурслари баҳосини бўйича 8,2 фоизга, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник қайта қуроллантириш бўйича 3,8 фоизга, маъмурий харажатларни мақбуллаш - тириш ва ортиқча шаталарни қисқартириш бўйича 0,7 фоизга, эскирган асосий фондлар ва ускуналарни ҳисобдан чиқариш бўйича 0,8 фоизга ва молиявий йўналишлар орқали бошқарувни такомиллаштириш харажатларини 3,8 фоизга қисқартириш чораларини кўрилиши мамлакатимизда корхоналарда инқирозга қарши чоралар дастурининг ижроси амалга оширилаётганлигидан далолат беради.

⁴Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. — Т.: Ўзбекистон, 2009, 6-б.

2.6 - жадвал

“Қашқадарё пармалаш ишлари” ОАЖда 2009 йилда таннархни қисқартириш бўйича қуйидаги чора тадбирлар дастури

т/р	Харажатлар йўналишлари	Суммаси ва ўсиш даражаси
1.	Ишлаб чиқариш жараёнининг техно - логик жараёнини мақбуллаштириш харажатлар бўйича	-1917 млн .сум - 2 ,6%
2.	Ишлаб чиқаришнинг материал ва энергия сифими импорт қилинувчи моддий техника ресурслари баҳосини бўйича	- 12688 млн ,сум - 8 ,2%
3.	Ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник қайта қуроллантириш бўйича	-648 млн .сум - 3 ,8%
4.	Маъмурий харажатларни мақбуллаш тириш ва ортиқча шаталарни қисқар тириш бўйича	104 млн .сум - 0 ,7%
5.	Эскирган асосий фондлар ва ускуналарни ҳисобдан чиқариш	-110 млн .сум - 0 ,8%
6.	Молиявий йўналишлар орқали бошқарувни такомиллаштириш Ҳ а м м а с и :	-21 млн . 1сум - 3 ,8%

2.7 – жадвал маълумотларидан 2009 йилга "Қашқадарё пармалаш ишлари" ОАЖ бўйича иш ва хизматлар харажатининг таннархи режасида барча харажатларни 20, 21 фоизда қисқартириш назарда тутилган.

2.8 – жадвал маълумотлари "Қашқадарё пармалаш ишлари" ОАЖда рентабеллик кўрсаткичлари талб даражасида эмаслигини кўрсатмоқда. Демак корхонада ишлаб чиқариш харажатларини и тежаш ва бошқа чоралар кўрилиб, рентабелликни ҳеч бўлмаса 20-25фоизга етказиш чоралари кўрилиши долзарб масала ҳисобланади.

2009 йилга "Қашқадарё пармалаш ишлари" ОАЖ буйича иш ва хизматлар харажатининг таннархи
РЕЖАСИ

№	Харажатлар номи	2008 йилга кутилидиган	2009 йилга кутилади- га н	2009 йилга камайиш билан	Харажатларни камайиши	
					Минг сумда	Фоизда
1	2	3	4	5	6	7
A.	Харажатлар - жами	43220	75634	60146	15488	20,5
I.	Ишлаб чиқариш таннархи	37484	65597	51877	13720	20,9
1.1	Материаллар затраты	31939	55893	44114	11779	21,1
	шу жумладан:					
	- хом ашё ва материаллар	18288	32004	25003	7001	21,9
	- ёқилғи, газ	1484	2597	2077	520	20,0
	- ҳамма турдаги энергия хариди	564	987	90	197	20,0
	ишлаб чиқариш туридаги иш ва хизматлар, шундан:	11600	20300	16240	4060	20,0
	- бошқалар	3	5	4	1	20,0
1.2	Иш хаки фонди	3411	5969	4775	1194	20,0
1.3	Ягона ижтимоий тулов, ишлаб чиқаришга боғлиқ	765	1339	1071	268	20,0
1.4	Амортизация	832	1456	1165	291	20,0
1.5	Бопща харажатлар	537	940	752	188	20,0
II.	Жорий харажатлар	5736	10037	8269	1768	17,6
2.1	Реализация учун харажатлар					
2.2	МХХ харажатлари	772	1351	1081	270	20,0
2.3	Бошқа операцион харажатлар	4964	8686	7188	1498	17,2

2.8 - жадвал

2008 йил январ—декабр ҳолатига «Қашкадарё Пармалаш ишлари» ОАЖ буйича асосий фаолиятнинг
бажарилишининг техник - иқтисодий кўрсаткичлари

№	Курсаткичлар номи	Улчов бирлиги	2008 йил Январ-Ноябр			2008 йил декабр			2008 йил бошидан			2007 йил ҳолати			2007йилга нисбатан 2008 йилда ўсиш ҳолати (%)
			Режа	Ҳақ-т	Фарки (+;-)	Режа	Ҳақ-т	Фарки (+;-)	Режа	Ҳақ-т	Фарки (+;-)	Режа	Ҳақ-т	Фарки (+;-)	
1	Проходка	метр	41050	41179	129	2850	2865	15	43900	44044	144	43870	43902	32	100,3
2	Бурғилашнинг станко-ойи	ст.ой	96,91	96,11	-0,8	3,45	10,19	6,74	100,36	106,3	5,94	119,69	108,51	-11,18	98,0
3	Коммерчески тезлик	м/ст.ой	425	428,5	3,5	830	281	-549	439	414	-25	367	405	38	102,2
4	Бажарилган иш қиймати	млн.сум	39242	41997,3	2755,3	2855	3286	431	42097	45283,3	3186,3	30800	37889,8	7089,8	119,5
5	ҚҚС	млн. сум		8316,2			651,6			8967,8			7511		119,4
6	Метр қиймати	сум		1019872			1146946			1028138			863054		119,1
7	Ишловчилар сони	киши	500	563	63	503	571	68	501	563	62	498	546	48	103,1
8	Иш хаки фонди	млн.сум	7819,4	4698,5	3120,9	459,6	410,2	-49,4	8279	5108,7	3170,3	4792,3	4687,8	-104,5	109,0
9	1 кишининг 1 ойликуртача иш хаки	сум	1421709	758679	-663030	913718	718389	-195329	1377079	756172	-620907	801924,4	715476,2	-86448,2	105,7
10	Мехнат унумдорлиги	метр	82,1	73,1	-9	5,7	5,1	-0,6	87,6	78,2	-9,4	88,1	80,4	-7,7	97,3
11	Қуриб тугалланган кудук	кудук	12	12	0	1	1	0	13	13	0	15	17	2	76,5
12	Баланс фойда	млн.сум			0			0	2239	3452	1213	3600	1551,6	-2048,4	222,5
13	Соф фойда	млн.сум			0			0	1555	2712	1157	2684	1109,2	-1574,8	244,5
14	Рентабеллик	%			0			0	4,5		-4,5	13,2	4,3	-8,9	0,0

II боб бўйича хулосалар

Харажатларни ҳисобга олишда энг қулай тизимни танлай олиш ҳам иш сифатини оширади. Ҳисоб тизимини бир қатор замонавий тизимлари мавжуд.

“Стандарт-кост” тизимидаги энг асосий талаб-бу харажатларнинг белгиланган нормаларидан оғишишлари устидан қаттиқ назорат бўлиб, у эса ўз навбатида харажатлар стандартларини такомиллаштиришга имконият яратиб беради.

Бухгалтерия ҳисоби бозор иктисодиёти ва молиявий ҳисобот стандартларининг талабларига кўпроқ мувофиқлаштирилмоқда.

“Директ-костинг” ҳисоб тизимининг ўзига хос туб моҳияти “Қисман харажатлар ҳисоби” деган маънони англатиб, унинг асосий кўрсаткичи маржинал (оралиқ молиявий натижа) даромаддан иборат.

Бу тизим ёрдамида ишлаб чиқаришнинг фойдалилик даражаси аниқланади, маҳсулотни зарарсиз сотиш баҳоси белгиланади, корхонанинг ассортимент бўйича асосий сиёсати белгилаб олинади.

“Директ-костинг” ҳисоб-китоб тизими бўйича фақатгина маҳсулот ишлаб чиқаришга бевосита боғлиқ харажатлар ҳисобга олиниб, маҳсулот таннарни аниқланади.

“Директ-костинг” ҳисоби тизимининг асосий афзалликлари куйидагилардан иборатдир: маҳсулотнинг таннарини ҳисоблашдаги соддалашганлик ва аниқлик (чунки, таннарх фақат ўзгарувчан харажатлар қисмидагина режалаштирилади ва ҳисобга олинади), маҳсулотнинг турлари ўртасида доимий харажатларни шартли тақсимлаш учун мураккаб ҳисоб-китоблар қилинмаслик (чунки, улар маҳсулот таннарни таркибига киритилмайди ва молиявий натижалар ҳисобидан қопланади), фойдалилик даражаси (зарарсизлик нуқтаси, сотиш ҳажми), маҳсулот баҳосининг қуйи чегарасини аниқлаш имкониятининг мавжудлиги, маҳсулотнинг хилма-хил турлари бўйича фойдалилик даражасини киёсий таҳлил қилиш имкониятининг

вужудга келиши, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишнинг қулай дастурини аниқлашнинг имконияти борлиги, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот ёки хизматлар ҳамда уларни четдан сотиб олишдаги танловнинг имконияти мавжудлиги.

“ЎТ” тизимининг асл моҳияти у маҳсулотни йирик туркумларда ишлаб чиқаришдан воз кечишни, бунинг ўрнига узлуксиз оқимли маҳсулот ишлаб чиқаришни мақбул йўл деб ҳисоблайди.

Мазкур тизимда товар-моддий қийматликларининг узоқ муддатга захиралари қолишига йўл қўйилмайди, шу йўл билан моддий захиралар бекорга узоқ ётмайди ва молиявий ресурслар ҳаракатсиз туриб қолмайди.

“ЎТ” тизимининг бош мақсади ҳар қандай ортиқча харажатлардан воз кечиш ва корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш-дан иборатдир. Бундай шароитда бошқарув ҳисоби тизими ҳам соддалашади, чунки ишлаб чиқаришга сарфланган материаллар ва хизматлар ҳисобини биргина, яхлитланган ҳисобда амалга ошириш имконияти вужудга келади.

Функционал-қиймат таҳлил усули—бу объектни (маҳсулот, жараён) узлуксиз тадқиқ қилишнинг сифат ва фойдалилигини оширгани ҳолда уни лойиҳалаш, ишлаб чиқариш ва фойдаланиш бўйича харажатларнинг энг кичик миқдорини таъминлашга йўналтирилган усулдир.

Хулоса қилганимизда ҳисоб тизимининг замонавий тизимлари маҳсулот сифатини бошқаришнинг муҳим қуроли сифатида фойдали ва самарали бўлиб, у маҳсулотнинг бирлигига сарфланган харажатларни камайтиришга, маҳсулотнинг истеъмол хусусиятлари ва сифатини яхшилашга, унинг техник ўлчамларини функционал зарурий даражасигача кўтаришга хизмат қилади.

III боб. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида саноат корхоналарида харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш ва уларнинг таҳлилини такомиллаштириш.

3.1. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида саноат корхоналарида харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишни такомиллаштириш.

Биз илмий изланишлар натижасида харажатлар ҳисобини ташкил этишда қуйидаги янги шаклларни тавсия этамиз. Тавсия этилаётган ҳисоб тизими шаклларнинг бир қатор афзалликлари мавжуд. Хусусан, “Директ-костинг” ҳисоб-китоб тизими қуйидаги хусусиятларга эгадир:

1) ҳисобни энг биринчи навбатда маржинал даромад, яъни оралик молиявий натижани аниқлашга йўналтирилганлиги. Бу албатта молиявий инқироз шароитида корхоналарга камчиликларни ўз вақтида аниқлаб уни тез фурсатда бартараф этиш имконини беради.

2) маҳсулотни фақат ўзгарувчан харажатлар нуқтаи назардан ҳисобга олиш ва ишлаб чиқариш таннархини аниқлаш. Ишлаб чиқариш ҳажми билан боғлиқ харажатларни алоҳида ҳисобини юритиш алоҳида жавобгарлик марказларини масъулиятини оширади.

3) корхона бўйича доимий харажатлар ҳисобини юритиш ва уларни якуний молиявий натижани аниқлаш учун операцион фойдани камайтиришга қаратиш. Доимий харажатларни алоҳида юритилиши белгиланган меъёрлардан қанчалик даражада четланишлар бўлаётганини тезда таҳлил қилиш имконини беради.

4) баҳони тезкор бошқариш жараёни базаси сифатида маржинал даромадни аниқлаш. Рақобатли бозор шароитида маҳсулот иш хизматлар нархи мониторингини аниқ ва ўз вақтида юритиш учун шароит яратади.

5) сотишнинг ҳажми, таннарх ва фойда ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва муносабатни аниқлаш. Бозор талаби ва мавжуд таклифни ҳолатини,

молиявий натижани шакллантириш учун асосли маълумотлар базаси яратилади.

б) зарарсизлик нуқтасини белгилаш. Корхонани турли бозор ва бошқа сегментлар бўйича рискинни камайтиради.

“Директ-костинг” ҳисоби тизимининг асосий афзалликлари қуйидагилардан иборатдир:

- маҳсулотнинг таннархини ҳисоблашдаги соддалашганлик ва аниқлик (чунки, таннарх фақат ўзгарувчан харажатлар қисмидагина режалаштирилади ва ҳисобга олинади);

- маҳсулотнинг турлари ўртасида доимий харажатларни шартли таксимлаш учун мураккаб ҳисоб-китоблар қилинмаслик (чунки, улар маҳсулот таннархи таркибига киритилмайди ва молиявий натижалар ҳисобидан қопланади);

- фойдалилик даражаси (зарарсизлик нуқтаси, сотиш хажми), маҳсулот баҳосининг қуйи чегарасини аниқлаш имкониятининг мавжудлиги;

- маҳсулотнинг хилма-хил турлари бўйича фойдалилик даражасини қиёсий таҳлил қилиш имкониятининг вужудга келиши;

- маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишнинг қулай дастурини аниқлашнинг имконияти борлиги;

- ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот ёки хизматлар ҳамда уларни четдан сотиб олишдаги танловнинг имконияти мавжудлиги.

Навбатдаги ҳисоб тизимининг янги шакли бу “JIT” тизимини қўллаш ҳам корхона ишлаб чиқариш харажатлар ҳисобини тўғри ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади. Чунки “JIT” тизими қуйидаги қатор афзалликларга эга:

Биринчидан, уни қўллаш товар-моддий захираларининг ортиқча тўпланишиб қолишининг олдини олади.

Иккинчидан, “JIT” ҳисоб тизимини қўллаш шароитида буюртмани бажариш ишончи анчагина ошади, чунки материалларни сотиб олиш ва сақлашга жуда ҳам оз вақт кетади. Буюртмани бажариш жараёнининг қисқа-

риши ва унинг назорати ҳам айланма маблағларнинг жиддий кама-йишига олиб келади.

Бундай шароитда ишлаб чиқариш графиги ва истиқболли режа бўйича ишлаб чиқариш хажми ҳам қисқаради. Бу бозор конъюнктурасининг ўзгаришини тезда ҳисобга олишга ва корхонага вақтдан ютишига имкон беради.

Корхонага фойдали бўлган ва бозоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришга тезкор ўтиш муносабати билан майда туркумли маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг ҳам катта мослашувчанлигига эришилади.

Учинчидан, ушбу тизимни қўллашда маҳсулот сифатининг янада яхшиланиши кузатилади. Чунки, буюртма берилган маҳсулот миқдори катта бўлмагандан кейин сифат билан боғлиқ муаммо ҳам тез ҳал бўлади ва тузатишлар зудлик билан ҳал этилади.

Булардан ташқари *“ИТ” тизимининг яна қуйидаги афзалликлари мавжуд:*

- материаллар ва тайёр маҳсулотлар захиралари учун омборхоналарни сақлашга кетадиган капитал харажатлар камаяди;
- товар-моддий захираларнинг маънавий жихатдан эскириш хавфи камаяди;
- яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқариш туфайли зарар кўриш эҳтимоли камаяди ва қайта ишлаш харажатлари ҳам камаяди;
- сифатни ошириш ҳисобига асосий ишлаб чиқариш материаллари харажатлари камаяди.

Ҳисоб тизимининг янги шакли бу функционал-қиймат таҳлили ҳисобланиб, уни ўтказиш маҳсулот сифатини бошқаришнинг муҳим қу - роли сифатида фойдали ва самарали бўлиб, у маҳсулотнинг бирлигига сарфланган харажатларни камайитишга, маҳсулотнинг истеъмол хусуси - ятлари ва сифатини яхшилашга, унинг техник ўлчамларини функционал зарурий даражасигача кўтаришга хизмат қилади.

3.2. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида таннархни пасайтиришнинг аҳамияти ва таҳлил усулларини такомиллаштириш.

Биз мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий ва истиқболдаги чора-тадбирларини белгилашда жаҳон молиявий инқирози оқибатларининг таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олишимиз, иқтисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуктаи-назаридан шакллантиришимиз ва уларни изчил амалга оширишимиз тақозо этилади. Бу борадаги чора-тадбирлар Президентимиз И.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарларида кенг ва батафсил баён қилиб берилган. Асарда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш шакллари, келиб чиқиш сабаблари, унинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири, мазкур инқироз оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар баён қилиб берилган. Шунингдек, мамлакатимиз меҳнаткашлари учун ғоят мураккаб ва оғир бўлишига қарамай 2008 йилда эришилган ижобий натижа ва ютуқлар баҳоланиб, республикаimizдаги иқтисодий салоҳиятдан янада кенгроқ фойдаланиш имкониятлари кўрсатиб берилган.

Президентимиз жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизнинг 2008 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатганлигини таъкидлаб ўтдилар.

«Бундай таъсир, – деб ёздилар Президентимиз ўз асарларида, – авваламбор, умуман дунё бозоридаги талаб ва нархларнинг кескин тушиб кетишида ва табиийки, мамлакатимиз экспорт қиладиган маҳсулотларнинг муҳим турларига нисбатан ҳамда экспортга йўналтирилган етакчи тармоқлар ва улар билан боғлиқ турдош корхоналар фаолиятида намоён бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, бутун иқтисодиётимизнинг мутаносиб ва самарали ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда, кўзда тутилган лойиҳаларни

амалга ошириш, ўз олдимизга қўйган мақсадларга эришиш йўлида кўплаб муаммоларни туғдирмоқда. Мухтасар айтганда, 2008 йил биз учун, биринчи навбатда мамлакатимиз меҳнаткашлари учун ғоят мураккаб ва оғир бўлди. Лекин, юзага келган барча муаммо ва қийинчиликларга қарамай, халқимизнинг фидокорона меҳнати ва амалга оширилган тадбирлар эвазига 2008 йилда иқтисодий-иқтисодимизнинг нафақат барқарор фаолият кўрсатишига, балки унинг юқори ўсиш суръатларини изчил таъминлашга эришдик»².

Юртбошимиз ўз асарида Жаҳон молиявий–иқтисодий инқирозининг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсири ҳамда тежамкорлик ҳақида тўхта – либ, қуйидагилар таъкидланган: “Ҳозирги мавжуд шароитда 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастуримизнинг энг устувор вазифаларини белги – лаб олишда жаҳон иқтисодий инқирозининг таъсири ва оқибатларини етарлича тўлиқ ҳисобга олиш жуда муҳим. Дунёнинг нуфузли экспертлари томонидан билдирилаётган фикрларга кўра, бу инқироз 2009 йилда ва 2010 йилда ҳам давом этиши ва эҳтимол янада чуқурлашиши кутилмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ўз-ўзидан аёнки, мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури Ўзбекистонни 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши бўлиб қолади.

...Инқирозга қарши чоралар дастурининг конкрет бўлимлари-белги – ланган комплекс чора-тадбирлар қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этишга қаратилган.

...Учинчидан — қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш. Шу мақсадда 2008 йили хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодиётимиздаги етакчи тармоқ

² Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 15-б.

ва соҳаларда маҳсулот таннархини камида 20 фоиз туширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш борасидаги таклифлари маъқулланганини қайд этиш лозим.

Шунингдек, таннархни камайтириш бўйича белгиланган параметрларга эришиш учун раҳбар ва масъул ходимларни рағбатлантиришнинг таъсирчан механизмини ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда”.²

Ишлаб чиқариш харажатларни таҳлил қила туриб ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаришининг жами харажатларга ва маҳсулот бирлигига таъсирини аниқлаш лозим. Бу маблағларни тежаб сарфлаш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш ва умуман корхона фаолияти сзмарадорлги учун керак.

Корхона раҳбарияти ишлаб чиқаришнинг ҳар хил ҳажмдаги харажатлар ҳисобига эга бўлиши мумкин.

Юқорида таъкидланганидек, ишлаб чиқариш харажатлари доимий ва ўзгарувчан харажатларга бўлинади.

Ўзгарувчан харажатлар ишлаб чиқариш фаолияти даражасига (ишлаб чиқариш ҳажмига) тўғри пропорционал равишда ўзгаради. Бу шу билан боғлиқки, маҳсулот бирлиги учун ўзгарувчан харажатлар (хом ашё, мате - риаллар, ишлаб чиқариш ходимларининг иш ҳақи ва ҳ..к) доимийдир.

Шундай қилиб, умумий ўзгарувчан харажатлар маҳсулот ҳажмига бевосита боғлиқ бир маҳсулот ҳажмига тўғри келадиган ўзгарувчи харажатлар эса доимий ҳисобланади. Маҳсулот таннархининг пасайишига яна аниқ давр ва маълум бир ишлаб чиқариш даражаси учун доимий ҳисобланадиган ярим ўзгарувчан харажатлар киритилади, лекин критик вақтда маълум миқдорга улар ошиб ёки камайиб кетади.

² Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 33-б.

Масалан, агар ишлаб чиқариш қувватлари маълум критик кўрсаткичгача кўпайиб кетса, унда қўшимча ишчилар, назоратчилар ва хизмат кўрсатиш штати қўлланилади. Агар бу кўпайиш унча катта бўлмаса, қўшимча харажатлар қўлинилмаслиги мумкин.

Ярим ўзгарувчан харажатларга доимий ва ўзгарувчан компонентлар киради. Бу харажатлар ҳеч қачон нолга тенг бўлмайди, ишлаб чиқариш нолинчи даражада бўлса ҳам.

Амалиётда харажатларнинг ярим ўзгарувчанларга ажратилиши жуда мушкул, лекин зарарсизликни таҳлил қилиш учун зарурдир. Бунинг учун математик методлардан фойдаланиш тавсия қилинади.

Қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$y = d + bx, \text{ бунда:}$$

y — умумий харажатлар; d — доимий харажатлар;

b — бир бирлик учун ўзгарувчан (маржинал) харажатлар;

x — унумдорлик даражаси.

Маржинал даромд реализация хажмидан ўзгарувчан харажатлар айирмасига тенг, яъни y доимий харажатлар ва соф фойдани ўз ичига олади.

Маҳсулот бирлигига қилинган ўзгарувчан харажатлар ва маҳсулот бирлигининг реализация қиймати доимий ҳисобланганлига учун маҳсулот бирлигидан олинadиган маржинал даромд ҳам доимий бўлади.

Ҳар бир сотилган маҳсулот бирлигидан олинган маржинал даромд доимий харажатларни қоплаш учун кетади, ундан кейин қолган қисми эса фойдани оширишга ишлатилади. Бу шунга олиб келадики, ишлаб чиқариш хажми ошиши билан маҳсулот бирлигининг таннарни пасаяди, ўзгарувчан харажатлар миқдорига яқинлашади ва маҳсулот бирлигининг фойдасини ва доимий харажатлари улушини оширади. Буларнинг ҳаммасини харажатларни таҳлил қилишда ва ишлаб чиқаришнинг зарарсизлигини аниқлашда ҳисобга олиш керак.

Ишлаб чиқариш харажатларини таҳлил қилишда *минимум* ва *максимум* усулидан фойдаланиб, харажатларни ўзгарувчан ва доимий харажатларга ажратиш керак.

Бу усулнинг асл моҳияти шундаки, ўтган давр унумдорлигини ва харажатларни ўрганиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми даражаларининг энг юқори ва энг пастини танлаш ва ушбу даражаларда маҳсулот ишлаб чиқариш натижасида содир бўлган харажатлар ўзгаришини солиштириш.

Ҳисобни амалга ошириш учун қуйидаги ҳаракатлар бажарилади:

1. Ҳисоб бошида ҳажмнинг ва умумий харажатларнинг минимал ва максимал кўрсататкичлари орасидаги фарқ аниқланади:

2. Кейин харажатлар орасидаги фарқни ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмлари орасидаги фарққа бўлиш йўли билан маҳсулот бирлигага қилинган ўзгарувчан харажатлар сўммаси аниқланади, чунки умумий харажатлар таркибидаги ўзгарувчан харажатлар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўзгариши билан ўзгаради.

III боб бўйича хулосалар

Биз мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий ва истиқболдаги чора-тадбирларини белгилашда жаҳон молиявий инқирози оқибатларининг таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олишимиз, иқтисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуктаи-назаридан шакллантиришимиз ва уларни изчил амалга оширишимиз тақозо этилади

Юртбошимиз ўз асарида Жаҳон молиявий–иқтисодий инқирозининг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсири ҳамда тежамкорлик ҳақида тўхта – либ, қуйидагилар таъкидланган: “Ҳозирги мавжуд шароитда 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастуримизнинг энг устувор вазифаларини белги – лаб олишда жаҳон иқтисодий инқирозининг таъсири ва оқибатларини

етарлича тўлиқ ҳисобга олиш жуда муҳим. Дунёнинг нуфузли экспертлари томонидан билдирилаётган фикрларга кўра, бу инқироз 2009 йилда ва 2010 йилда ҳам давом этиши ва эҳтимол янада чуқурлашиши кутилмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ўз-ўзидан аёнки, мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури Ўзбекистонни 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши бўлиб қолади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ўз-ўзидан аёнки, мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури Ўзбекистонни 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши бўлиб қолади.

...Инқирозга қарши чоралар дастурининг конкрет бўлимлари-белги — ланган комплекс чора-тадбирлар қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этишга қаратилган. Шулардан учинчи устувор вазифа “ ... — қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш. Шу мақсадда 2008 йили хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодиётимиздаги етакчи тармоқ ва соҳаларда маҳсулот таннархини камида 20 фоиз туширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш борасидаги таклифлари маъқулланганини қайд этиш лозим.

Шунингдек, таннархни камайтириш бўйича белгиланган параметрларга эришиш учун раҳбар ва масъул ходимларни рағбатлантириш билан бирга уларни масъулиятини ҳам ошириб бориш ҳозирги замон талаби.

Хулоса ва таклифлар

Президентимиз Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари номли асарининг Инқирозга қарши чоралар дастурига бағишланган қисмини яқунлар эканлар, «Ҳеч шубҳасиз, Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда иқтисодиётимиздаги ҳар қайси субъектнинг имкон қадар кўпроқ манфаатдор бўлишини, ушбу дастур ижроси уларнинг ҳар бири учун энг муҳим ишга айланишини таъминлаш мақсадида қўшимча рағбатлантириш чораларини излаб топиш катта аҳамият касб этади»³, деб таъкидладилар.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ишлаб чиқариш ҳисоби ва маҳсулот таннархини тўғри калькуляция қилишни ташкил қилмасдан туриб, саноат корхоналари ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини муваффақиятли бошқариш мумкин эмас. Ҳар бир корхона ёки бирлашмада ишлаб чиқариш ҳисоби ва таннархни тўғри ташкил қилишнинг имкониятлари қуйидагилардан иборат: аввалдан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган технология режасининг мавжуд бўлиши, замонавий ишлаб чиқариш талабларига жавоб бера оладиган ишлаб чиқариш харажатлари меъёрининг мавжуд бўлиши, омбор хўжалигининг тўғри ташкил қилиниши ва ишлаб чиқариш зарур ўлчов асбоблари ва мосламалар билан таъминланган бўлиши, ишлаб чиқариш харажатларининг аналитик счёти, калькуляция объектлари ҳамда калькуляция бирлигини аниқлаш, калькуляция моддалари, комплекс харажатлар моддалари номенклатурасини ишлаб чиқиш, комплекс харажат моддаларини калькуляция объектлари ўртасида тақсимлаш усулини танлаш муҳим ҳисобланади.

Аммо, саноат корхоналарида харажатларни ҳисобга олиш ва улар аудитини ўтказишнинг амалдаги тизими сарфланган харажатларни тўлиқ ва ишончли

³ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 36-б.

акс эгтириш, турли мақсадларда жалб этилган маблағларни аниқ мақсадга йўналтириш, ишлаб чиқаришни ташкил этишда маблағлар тақчиллигини бартараф этиш ҳамда маҳсулот таннархини аниқ ҳисоб –китобини юритишни таъминлаш имконини бермайди. Шунингдек, республикамизда бу масалалар бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари даражасида илмий жиҳатдан тўлиқ саноат корхоналарида харажатлар ҳисоби ва таннархни калькуляция қилишни такомиллаштириш йўллари (хусусан пармалаш ишлари корхоналари мисолида) ҳал этилмаган. Бундан ташқари, иқтисодчи олимлар томонидан пармалаш ишлари корхоналари мисолида бажарилган харажатлар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш бўйича ҳозиргача бажарилган тадқиқотлар асосан режали иқтисодиёт тамойилларига мувофиқлаштирилган бўлиб, бу борадаги муаммоларнинг замонавий ечимларини батафсил қамраб олмайди. Шу жиҳатдан танланган мавзу долзарб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади саноат корхоналарида харажатлар ҳисоби ва таннархни калькуляция қилишни назарий, услубий ҳамда ташқилий асосларининг ҳозирги ҳолатини баҳолаш ва уларни такомиллаштириш йўналишларини тадқиқ қилиш асосида илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Диссертацияда қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинган эди:

-пармалаш ишлари” ОАЖнинг ўзига хос хусуиятлари ва уларнинг асосий фаолият харажатлари ҳисобини ташкил қилишга таъсирини очиб бериш;

харажатларни тақсимлаш ва бажарилган хизматлар таннархини калькуляция қилиш амалиётини тадқиқ қилиш;

-асосий фаолият харажатлари ҳисобини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини белгилаш;

-асосий, ёрдамчи ва умумишлаб чиқариш харажатлари таркиби ва уларни ҳисобга олиш усулларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

- ишлаб чиқаришдаги браклар ҳисобини такомиллаштириш бўйича амалий таклифларни тавсия қилиш;

- асосий фаолият харажатларини ички бўлинмалар бўйича ҳисобга олиш усулларини тавсия қилиш;

- асосий фаолият харажатларини узлуксиз назоратини таъминлай оладиган ҳисоб ва ҳисобот тизимини ишлаб чиқиш.

Изланишлар жараёнида қуйидаги илмий янгиликларни ташкил этувчи қуйидаги муҳим хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди :

-Қашқадарё пармалаш ишлари” ОАЖни асосий, ёрдамчи, таъмирлаш хўжаликлари ҳамда умумишлаб чиқариш харажатлари таркибида ҳисобга олишни белгилаш асосида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш бўйича тавсиялар асосланди;

- пармалаш ишларихаражатлари ҳисобини такомиллаштириш орқали тақсимланадиган харажатлари салмоғини қисқартириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди;

-харажатлар сарфи устидан узлуксиз ва жорий назоратни таъминлашга масъулиятли шахсларни белгилаш орқали харажатлар ҳисобини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилди;

-тадқиқот ишида рақобатли бозор талабларига мос равишда пармалаш ишлари корхоналарида харажатлар ҳисобини ташкил қилиш ва ундаги муаммолари ҳал этиш мақсадида қуйидагиларни ҳал этиш таклиф этилади:

- асосий фаолият харажатларини табақалаштириш;

-ҳар бир фаолият харажатарини ҳисобини алоҳида ташкил этиш.

Харажатларни ҳисобини тўғри ташкил этиш мақсадида 2000-“Асосий ишлаб чиқариш”, 2300-“Ёрдамчи ишлаб чиқариш”, 2500-“Умумишлаб чиқариш харажатлари” сётлари таркибида аниқ иккиламчи сётларни очиб

улар ҳисобини фақат миқдорий жиҳатдан эмас сифат жиҳатдан ҳисобга олиб боришни ташкил этиш лозимлиги илмий жиҳатдан асосланди;

-Қашқадарё пармалаш ишлари” ОАЖ да харажатлар ҳисоби ва таннархни калькуляция қилишни такомиллаштириш учун ташқилий, услубий ва техник тадбирларни амалга ошириш бўйича харажатларни ҳам алоҳида ҳисоб китобини ташкил этиш мақсадга мувофиқлиги кўрсатиб ўтилди;

-харажатларни ҳисобини назоратини тўғри ташкил этиш мақсадида харажатларни моддалари бўйича назоратини, таҳлилини тежа ва ундан четланишларни назоратини комплекс ташкил этиш мақсадга мувофиқлиги асосланди.

Фойдаланилган адабиётлар

I. Расмий материаллар

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Т.: Ўзбекистон. 1992 й. 8 декабрь.
- 1.2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси.-Т.: Ўзбекистон. 2007 йил
- 1.3. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. 1996 й. 30 август.
- 1.4. «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни (янги таҳрири) 2000 й. 26 май.
- 1.5. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари.-Т.: Ўз. БАМА. 2004-186 б.
- 1.6. Международные стандарты финансовой отчетности.-М.: Аскери - АССА. 1999.-218 с.
- 1.7. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (21-БХМС).-Т.: Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи 2007й.-256 б.
- 1.8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом. (ЎзР. ВМ.нинг қарорлари асосидаги ўзгартиришлар билан).
- 1.9. И.А. Каримовнинг Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини яратиш бўйича Республика комиссияси мажлисидаги «Замонавий кадрлар- тараққиётимизнинг муҳим омилдир» мавзусида сўзлаган нутқидан «Маърифат» газетаси. 1997 йил, 7 июнь.
- 1.10. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш- барча ислохотлар ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. Президент Ислон Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.-Т.: Халқ сўзи. 2008 йил 9 феврал. №28 (4438). 1-3-бет.

1.11. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

II. Илмий монография, ўқув қўлланма ва дарсликлар

2.1. Бобожонов О., Жуманиёзов К. Молиявий ҳисоб.-Т.: Молия. 2002.-672 б.

2.2.Ваҳобов. А, Иброҳимов А. Молиявий таҳлил. Дарслик.-Т.: Шарқ. 2002.

2.3. Воҳидов С.В. ва бошқ. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари.-Т.: Адабиёт жамғармаси нашриёти. 2004.-237 б.

2.4.Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2003.-612 с.

2.5.Жуманиёзов К.К. Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш муаммолари.-Т.: А.Қодирий номидаги “Халқ мероси” нашриёти. 2003.-159 б.

2.6.Каримов А.А. ва бошқ. Бухгалтерия ҳисоби.-Т.: Шарқ, 2004.-592 б.

2.7.Кондраков Н.П. Бухгалтерский учет.-М.: Инфра-М.2002.-640 с.

2.8.Маматов З.Т. Аудит: муаммолар ва ривожлантириш истиқболлари.-Т.: ТМИ. 2004.-348 б.

2.9.Махмудов А.Н. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва аудити.-Т.: ТМИ. 2002.-118 б.

2.10.Мусаев Ҳ.Н. Аудит.-Т.: Молия. 2003.-220 б.

2.11.Эшбоев У., Ахмаджонов К. Бухгалтерия ҳисоби “УАЖБНТ” маркази 2004 й.

2.12.Палий В.Ф., Палий В.В. Финансовый учет. Учебное пособие. (2-е изд.,

перераб. и доп.)-М.: ИДФБК-ПРЕСС. 2001.-672 с.

2.13.Хошимов Б. Бухгалтерия ҳисоби назарияси.-Т.:”Yangi asr avlodi” 2004й

2.14.Сотиволдиев А.С., Иткин Ю.М. Замонавий бухгалтерия ҳисоби.- Т.: Ўзбекистон БАМА нашр. I-II-том. 2002.-122 б.

2.15.Хасанов, Батыров Т., Азизов А. Правовое регулирование предпринимательской деятельности.-Т.: ЮСАИД, «ПРАГМА» корпорацияси.2003.-207 с.

2.16. Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт.-Т.: Молия. 2003. 247 б.

2.17.Хасанов Б.А. Ички аудитни автоматлаштириш асослари.-Т.: Фан. 2003.-

2.18.Ҳамдамов Б.К. Аудит иқтисоди.-Т.: ТМИ. 2005.-251 б.

2.19.Пардаев М.Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодий таҳлилнинг назарий ва методологик муаммолари.: Иқт. фан. докт. дис....авторeref.-Т.: ЎзР БМА. 2002.

2.20.Ибрагимов А.К. Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисоби, аудити ва кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархини аниқлашни такомиллаштириш.: Иқт. фан. докт. дис....авторeref.-Т.: ЎзР БМА. 2002.

2.21.Лавренчук Е.Н. Совершенствование управленческого учета в строительстве.: Автореф.дис....канд. экон. наук.-М.: 2001.

2.22.Отажонов Б.О. Организация и методика внутреннего аудита и финансового анализа деятельности кредитных организаций.: Авто-реф.дис.... канд. экон. наук.-М.: МГУ. им. М.В.Ломоносова. 2001.

2.23.Каримов А.А. Бошқарув ҳисобини ташкил этиш услублари. //“Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида янги счетлар режасини амалиётга жорий этиш муаммолари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари.-Тошкент, ТМИ. 2002. 128-129 б.б.

2.25.Хасанов Б.А. Учет нормативных затрат в системе «Стандарт-кост». //Татуровские чтения. тез. докл. межд. конф. 2001.

2.26.Хасанов Б.А. Внутренний аудит в системе управленческого контроля. //Ж. Аудитор. 2003. №2. (96).

2.27.Солиқ солиш ва бухгалтерия ҳисоби журнали 2006-2009 йиллардаги нашр маълумотлари.

2.29.Ибрагимов А.Т., Эркабоев Ф.Т. Иқтисодий таҳлил фанининг бошқа фанлар билан узвий боғлиқлигини таъминлашнинг баъзи жиҳатлари. //«Иқтисодий фанлар узвийлигини таъминлашнинг ҳозирги замон муаммолари ва ечимлари»: Респ.илм.-амал.анжум. 2005. 6 декабр .-Тошкент.: ТМИ. 2005. 116-118-бетлар.

2.30. Н. Юлдошев. Республика бюджети билан минтақа бюджетининг ўзаро алоқаларини такомиллаштириш йўллари. “Тармоқларда ҳисоб тизимларини такомиллаштириш ва халқаро андозаларга мослаштириш муаммолари” мавзусидаги респ.илм.–амал.конф. маърузалари тўплами.- Тошкент.: “Фан” 2007. 99-101 бетлар.

2.31. Н. Юлдошев. Молиянинг иқтисодий моҳияти. “Тармоқларда ҳисоб тизимларини такомиллаштириш ва халқаро андозаларга мослаштириш муаммолари” мавзусидаги респ.илм.–амал.конф. маърузалари тўплами.- Тошкент.: “Фан” 2007. 116-117 бетлар.

2.32.Н.Т.Юлдошев. Маҳсулот (иш.хизматларни)ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ҳисоби ва уларни такомиллаштириш. “Фан , тараққиёт ва ёшлар” мавзусидаги илмий - амал.конф. маърузалари тўплами. –Қарши 2008. 99-101 бетлар.

III. Интернет сайти маълумотлари

<http://www.referat.uz>.

<http://www.gao.gov/>

<http://www.accounting.com/>

<http://www.accounting.rutgars.edu>

<http://www.buhgaltcria.com.ua>

<http://www.lc.ru>

<http://www.glavbukh.ru>

<http://www.saldo.ru>

<http://www.access-accounts.com>

<http://www.cer.uz> - O'zbekiston iqtisodiy tadqiqotlar markazi

<http://www.neweco.ru> - Iqtisodiy izlanishlar fondi